

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚҮМИТАСИ
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ

З. Н. ҚУРБНОВ

**СОЛИҚ ҲИСОБИ:
НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ**

Ўзбекистон Республикаси
Министри таъсирини олий
тадқиқотидан саломлайдиган
«ФАН»

65,261.4

ДАВЛАТ НАУРОМАДИ

Курбонов З.Н. Солиқ ҳисоби: назария ва методология.
Тошкент, «Фан» нашриёти, 2006. 108 бет.

Монографияда солиқ ҳисобининг моҳияти, тамомиллари, предмети, методи ва объектларининг назарий масалалари, солиқ ҳисобини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиши концепцияларининг долзарб муаммолари ёритилган.

Монография бухгалтерия ҳисоби муаммолари билан шуғулланувчи илмий ходимлар, талабалар, солиқ маслаҳатчилари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир: Д.Кудбиев - иқтисод фанлари доктори, профессор

Тақризчилар: Э.Ф.Гадоев - и.ф.н., доцент
Ўзбекистон Республикаси
Давлат солиқ қўмитаси раисининг
биринчи ўринбосари, Солиқ
академияси ректори,
Б.А.Ҳасанов - и.ф.д. профессор
Тошкент молия институти,
Ш.У Хайдаров - и.ф.н., доцент
Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби
ва аудит услубиёти бошқармаси
бошлиғи,

20.07	Alişer Navciy nomidagi O'zbekiston MK
A66	

ISBN 5-648-03511-X

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2006 йил.

КИРИШ

Ислоҳотларни чукурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида ахборотларнинг аҳамияти янада ошиб боради. Бухгалтерия ҳисоби иқтисодий ахборотларнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин бухгалтерия ҳисобининг меъёрий-ҳуқуқий асоси яратилди. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг қабул қилиниши бунинг яққол мисолидир. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмлари бўлган молиявий ва бошқарув ҳисобларининг назарий ва методологик жиҳатлари такомиллашиб бормоқда. Иқтисодий адабиётларда бухгалтерия ҳисоби билан боғлиқ бўлган янги категориялар, тушунча ва атамалар пайдо бўлди. «Солиқ ҳисоби», «стратегик ҳисоб», «экология ҳисоби», «динамик ҳисоб» ва бошқалар шулар жумласидандир. Шунингдек, республикамида солиқ тизими шаклланди ва солиқ сиёсати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Бирок, мавжуд бўлган солиқ тизими ва сиёсати янада такомиллаштиришни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2005 йил 28 январда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида бу тўғрисида қўйидагиларни таъкидлади: «Принципial муҳим устувор вазифалардан бири - солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир. Айтиш жоизки, юқорида зикр этилган устувор вазифаларнинг барчаси солиқ сиёсатимизни такомиллаштириш билан бевосита боғлиқ.

Бусиз ҳеч қандай масалани ҳал этиб бўлмайди. 1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасидаги бугунги куннинг янги ва устувор вазифалари талабларига жавоб бермайди.

Фақат сўнгги икки йил давомида Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар кири-тилгани ҳам шундан далолат беради.

Солиққа тортиш масаласыда синалған принцип ва ёндошувларни ишлаб чиқиши, бу борада бошқа мамлакаттарнинг илфор тажрибасидан фойдаланиши ўта муҳим аҳамиятта эга¹. Юртбошимиз томонидан күйилған бу вазифаларни амалга ошириш борасыда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиши борасыда Олий Мажлис Қонунчиллик палатасыда ишчи гурұх ва құмиталар иштесінде бормоқда.

Ривожланған мамлакаттар (Россия, АҚШ, Буюк Британия ва болашақтар) тажрибаси шуны күрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизимини бир-бирига бағылыштырып ифодаловчы «Солиқ ҳисоби» түшунчеси Солиқ кодексида ўз аксина топған.

Солиқ ҳисобини назарий ва методологиялық жиһатдан тамойиллағылардың мөхим аҳамиятта эга бўлади. Солиққа тортиш тамойиллағыларнинг асосчилари деб А.Смит, Д.Рикардо, А.Вагнерлар эътироф этилган. Бизнинг фикримизча, солиққа тортишнинг ҳозирги кунда амал қилаётгандан тамойилларига А.Смитдан 400 йил олдин Амир Темур бобомиз ўзининг «Темур тузуклари»да таъриф берган ва давлатни бошқаришда бу тамойилларга амал қилған.

Солиқ тизими, солиқ сиёсати, солиқ тамойилларини илмий жиһатдан ўрганиши доимо олимларнинг илмий ишларининг мавзулари бўлиб келган. Бу долзарб муаммолар билан қўйидаги хориж ва мамлакатимиз олимлари, жумладан: И.М.Александров, Н.В.Бондарчук, Ю.Ф.Кваша, Ю.А.Крохина, Д.Черник В.М.Пушкарева, М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, Ш.Абдуллаева, Э.Гадоев, Ж.Зайналов, Т.Маликов, Т.Мирзаев, Т.Тошмуродов, Н.Хайдаров, Б.Ходиев, Э.Юсупов, Д.Ғозибеков, Қ.Яҳёев ва бошқалар шуғулланышган.

Бухгалтерия ҳисоби, унинг таркибий қисмлари бўлган молиявий ва бошқарув ҳисобининг назарий ва методологиялық муаммолари бўйича илмий ишлар олиб борган олимлар И.Т.Абдукаrimov, А.Ф.Аксененко, А.И.Ламыкин, М.А.Вахрушина, А.Д.Шеремет, В.Ф.Палий, Я.В.Соколов, И.К.Слепнев, Л.Б.Сидельникова М.Ф.Овсейчук, А.Абдуллаев, А.К.Ибрагимов, Н.Иброҳимов, Н.Ю.Жўраев, О.М.Жуманов, М.К.Пардаев, А.Х.Пардаев, Д.Қ.Кудбиев, М.М.Тўлаҳўжаева, Х.Н.Мусаев, З.Маматов, Б.А.Ҳасанов, Н.Ҳ.Ҳасанов,

¹ Халқ сўзи. 2005 йил 29 январь. З-бет

Ш.Хайдаров, У.Худайбердиев, К.Б.Ўразов, Б.И.Исроилов, О.Бобожонов ва бошқалар.

Солиқ ҳисобининг бальзи бир масалалари А.В.Авдеев, А.Б.Брызгалин, В.Р.Берник, А.Н.Головкин, В.Я.Кожинов, Е.В.Крейнина, И.В.Кальницкая, К.А.Иванов, Л.Б.Сидельникова, Е.Н.Назарян, И.А.Слабинская, Э.Ф.Гадеев, Б.И.Исроилов, К.Б.Ўразов, Ш.Х.Хайдаров ва бошқа олимларнинг монография, дарслик, ўкув қўйланма ва илмий ишларида ўз аксини топган.

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш шуни кўрсатдик, мамлакатимиз олимларининг чоп этган монография ва ўкув қўйланмаларида “солиқ ҳисоби” бухгалтерия ҳисоби ёки молиявий ҳисобининг таркибий қисми деб эътироф этиш билан чегараланганд. Солиқ ҳисобининг тамойиллари, методи, методологияси билан боғлиқ муаммолар ёритилмаган. Бу долзарб муаммоларни назарий ва методологик жиҳатларини ёритиш мақсадида ушбу монографияни ёзишга ҳаракат қилдик.

Монография кириш, З та боб, хулоса, адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Монографияда қуйидаги долзарб масалалар ёритилди:

- Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг тутган ўрни;
- Солиқ ҳисобининг мазмуни ва моҳияти;
- Солиқ ҳисоби амалиёти ва уни такомиллаштириш муаммолари;
- Солиқ ҳисоби предмети ва обьектларининг назарий муаммолари;
- Солиқ ҳисоби методи ва методологиясининг асосий тамойиллари;
- Солиқ ҳисоби сиёсати;
- Ривојланган мамлакатлар иқтисодиётидаги солиқ ҳисобининг тутган ўрни;
- Солиқ ҳисобини ташкил этишининг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш концепциялари.

Юқоридаги муаммоларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш асосида хулоса ва таклифлар берилди.

Монография бухгалтерия ҳисобининг муаммолари билан шуғулланувчи илмий ходимлар, талабалар, амалиётчи бухгалтерлар, солиқ тизими ходимлари, солиқ маслаҳатчилари учун мўлжалланган.

Монография бўйича мулоҳаза ва таклифларингизни кутиб қоламиз.

І БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА СОЛИҚ ҲИСОБИНИНГ МАЗМУНИ, МОХИЯТИ ВА АМАЛИЁТИ

1.1. Солиқ сиёсатини тақомиллаштиришда бухгалтерия ҳисобининг ўрни

Файласуфлардан бири «Агар ҳозирги давр тарихсиз тушунарсиз бўлса, тарих ҳозирги даврсиз - долзарбсиздир», деган экан. Шу жойда Президентимизнинг қўйидаги фикри жуда ўринлидир «Тарихий хотирасиз келажак йўқ»¹.

Шундан келиб чиқиб, «солиқ», «солиқقا тортишнинг тамойиллари», «солиқ сиёсати» тушунчаларини таҳлил этишда тарихий – иқтисодий адабиётларга мурожаат қиласмиз.

Бу борада Адам Смитнинг қарашлари катта аҳамият қасб этади. А.Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисидағи тадқиқотлар» (1776 йил) номли китобида даромадларни корхона капиталидан ва давлат мулкидан олинадиган даромад ва солиқларга бўлади. Ўзининг тадқиқотларини давом эттириб, XIX аср охири XX аср бошларида А.Смит солиқقا тортишнинг асосий тамойилларини биринчилардан бўлиб ишлаб чиқади.

А.Смит солиқقا тортишнинг қўйидаги тамойилларини ўзининг асарларида қайд этади: ишончлилик, адолатлилик, тенг тақсимланганлилик ва аниқлилик².

Кейинчалик А.Вагнер солиққа тортишни етарлилик ва эластиклик тамойиллари билан тўлдиради.

А.Смит ва А.Вагнерлар томонидан ишлаб чиқилган солиққа тортишнинг тамойиллари ҳозирги замон солиқ тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади. А.Смитнинг шогирди Д.Рикардо ўзининг

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Тошкент: Шарқ, 1998.

² Пушкирева В.М. История финансовой мысли политики налоговых: Учеб. Пособие. - М.: Финансы и статистика, 2005. – С. 5.

«Сиёсий иқтисод ва солиққа тортишнинг бошланиши» номли рисоласида солиқ назарияси рента ва иш ҳақи назариялари билан бевосита боғлиқ муносабатлар деб қарайди. У ўзини тадқиқотлари натижаси ўлароқ давлат даромадларининг бош манбай капиталистларнинг фойдаси деган хуносага келади. Бу назария ҳозирги замон қонунчилигига ҳам ўз аксини топган.

Немис иқтисодчиси А.Вагнер солиққа тортишнинг 9 та қоидасини ўз асарларида қайд этади ва уларни тўртта гурухга бўлади. Биринчи гурухга солиққа тортишнинг молиявий тамойилларини киритган: 1) етарлилик ва 2) эластиклик. Кейинги гурухи халқ хўжалиги тамойиллари: 3) солиққа тортишнинг манбасини танлаш; 4) турли солиқларни тизимда тўғри комбинацияси. Учинчи гурух – этик тамойиллар ёки адолатлилик тамойиллари; 5) тортишнинг умумийлиги ва 6) тенг тақсимланганлиги. Тўртинчи гурух – маъмурий-техник қоидалардан ташкил топган; 7) солиққа тортишнинг аниқлиги, 8) солиқ тўлашнинг қулалиги ва 9) ундириш билан боғлиқ харажатларни максимал камайтириш.

Биз солиқ тарихига мурожаат қиласар эканмиз, Ислом дунёсида, ислом ҳуқуқига тўхтамасдан иложимиз йўқ. Ислом дунёсида солиқ қандай пайдо бўлган? Ислом дунёсида солиқ садақа ва закот сифатида шаклланган. Мажбурий садақа сифатида қаралган закот, кейинчалик расман солиққа айланган.

Закот олинган даромаднинг маълум бир қисми, яъни ҳовлижойдан, савдо ҳунарманчиликдан олинган даромаднинг 1/4 қисмини 2,5 фоизи, чорвачиликдан бу йигим 12 фоизгacha ундирилган.

Кейинчалик Эронда ўрта аср (ХІІІ асрдан бошлаб) закот тамға (мўғил) савдо ва ҳунар солиги, маваши (араб), ёки чўпонбеги (турк)- чорвачилик солиги каби маҳсус солиқлар билан алмаштирилган.

Солиқ турлари ва унинг тамойилларига Ислом ҳуқуқида ҳам катта эътибор берилган.

Ислом ҳуқуқида солиқнинг қуйидаги турлари эътироф этилган:

1. **Закот** - ҳунар, савдо ва чорвачилик солиги;
2. **Хирож** - ҳосил улуши, натура ҳолда;

3. **Ушр** - ҳосилнинг ёки имтиёзли ерлардан даромаднинг 10 фоизи миқдоридаги енгиллаштирилгар ер ўлпони;

4. **Жуза-** фақат ғайридиндардан пул ҳамда жөн бошига ундирилган ўлпон;

5. **Хумс-** мусулмон аскарларнинг ғайридинлар билан жиҳот пайтида қўлга туширилган ҳарбий ўлпоннинг бешдан бир қисми.

Тарихдан бизга маълумки, солиқ сиёсати ва тамойиллари Амур Темур даврида такомиллашган. Унинг ҳукмдорлик даврида соликлар давлат ва маҳаллий соликларига бўлинган. Бу солиқ турларига қуидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

Хирож – ҳосилнинг 1/10 қисмидан 1/3 қисмигача ундирилиши назарда тутилган ер солиги;

Молу – жиҳод – натура ва пул шаклда ундирилган мулк солиги;

Танга – ҳунарманд ва савдоргарлардан олинган солиқ;

Шунингдек, бу даврда божхона тўлови- «бож» ҳам жорий қилинган.

Шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, биз юқорида эътироф этган А.Смит томонидан ишлаб чиқилган соликқа тортиш тамойиллари, бобомиз Амир Темур даврида, яъни А.Смитдан 400 йил олдин таърифлаб берилган ва амалиётга жорий қилинган. Амир Темур ўзиниг «Темур тузуклари»да соликқа тортиш тамойиллари тўғрисида қуидагиларни ёзганлар:

«Агар ерлик фуқаро азалдан бериб келган хирож миқдорига рози бўлса, уларнинг розилиги билан иш кўрсинлар, акс ҳолда [хирожни] тузукка мувофиқ йигсинлар. Яна амр қилдимки, хирожни эскидан олинган ҳосилга ва ернинг умумдорлигига қараб йигсинлар».³ Бу билан Амир Темур солиққа тортишнинг адолатли тамойилини кўзда тутган.

Амир Темур бобомиз солиққа тортиш тамойиллари тўғрисида яна қуидагиларни ёзади: "Булардан ташқари кузги, боҳорги, қишки ва ёзги дехқончиликдан олинган ҳосил раиятнинг ўзига бўлсин. Лалмикор ерларни эса жарибларга бўлсинлар, ҳисобга олинган бу ерлардан [солиқ олишда] учдан бир ва тўртдан бир қоидасига амал қилсинлар...

³ Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ 2005. 120-бет.

Амр қилдимки, ҳосил пишиб етилмасдан бурун раиятдан молу жиҳот олинмасин. Ҳосил етилишига қараб, солиқни учга бўлиб олсинлар. Агар раият солиқ тўпловчи юбормасдан солиқни ўзи келтириб берса, у ҳолда у ерга солиқ тўпловчи юбормасинлар. Агарда олиқ-солиқ олувчини юборишга мажбур бўлсалар, улар солиқларни буйруқ бериш ва яхши сўз билан олсинлар: калтак, арқон ишлатиш, ишни уриш-сўкишгача олиб бормасинлар. Уларни боғлаб, занжир билан кишанламасинла⁴. Бу билан бобомиз солиққа тортишнинг аниқлик, қулайлик, тежамкорлик тамойилларига амал қилишни амр қилганлар. Шунингдек бобомиз солиқ бўйича имтиёзларга ҳам алоҳида эътибор берганлар:

«Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қиласа, ёки кориз курса, ё бирон боғ кўкартирса, ёҳуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қиласа, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўзи розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили [эса олиқ – солиқ] қонун-қоидасига мувофиқ хирож йигисинлар»⁵.

Юқорида зикр этилган, Амур Темур бобомиз даврида ва ундан кейин амал қилган солиққа тортиш тамойиллари ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Бу тамойиллар ҳозир ҳам амалиётта тадбик этилмоқда.

Мамлакатимиз мустақил бўлгандан кейин ўзининг солиқ тизимиға эга бўлди, Ўзбекистон иқтисодиётига мос бўлган солиқ сиёсати ишлаб чиқилди.

Республикамизда солиқ сиёсати йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда.

Давлатни вужудга келиши, солиқларни пайдо бўлиши, солиқ тизимини шаклланиши, солиқ сиёсатини такомиллашиши бухгалтерия ҳисобини ривожланиши ва унинг методологиясини такомиллашувига олиб келди. Ва, аксинча, Республикамизда “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиниши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини (БХМС) ишлаб чиқилиши ва амалиётта тадбиқ қилиниши, Ўзбекистон Республикаси

⁴ Ўша асар 121-бет.

⁵ Ўша асар 122-бет.

ликаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори (2003 йил 25-декабрдаги 567-сонли қарори асосида ўзгартириш билан)ни қабул қилинishi солик сиёсатини янада такомиллашувига сабаб бўлди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Республикаизда бозор иқтисодиётiga мос бўлган бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий-мөърий асоси яратилди деган холосага келишимиз мумкин.

Бухгалтерия ҳисоби бўйича ҳуқуқий-мөърий ҳужжатлар жуда кўп бўлиб, улардан тўғри ва самарали фойдаланиш учун тартибга солишини талаб қиласди. Бу борада ҳам иқтисодчи олимлар ўргасида ҳар хил фикрлар мавжуд. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳужжатларни К.Б.Уразов⁶ З та погонага, Ф.Ф.Фуломова⁷, Л.Б.Сидельникова⁸, Н.Н.Хахонова⁹ 4 та погонага, Л.З.Шнейдман¹⁰ эса 5 та погонага (даражага) бўлишган.

Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишини тартибга солувчи ҳуқуқий-мөърий ҳужжатлар тизимини тўртта погонага (1-жадвал) бўлиш мақсадга мувофиқ.

Бу жадвалда акс эттирилган бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳужжатлар тизими бевосита солик сиёсатини такомиллаштиришда алоҳида ўринга эгадир.

⁶ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. – Тошкент: Фан 2005. 143-бет.

⁷ Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерии с кому учету. Тошкент: Издательский дом «Мир экономики и права», 2004. С. 23-25

⁸ Сидельникова Л.Б. Проблемы информационного обеспечения экономической деятельности предприятия
М.: Аудитор, 1997. С. 11-12.

⁹ Хахонова Н.Н. Реформирования бухгалтерского учёта - М.: Издательство "Бухгалтерский учёт", 2003. С. 71-72.

¹⁰ Шнейдман Л.З. Учётная политика при переходе России к рыночной экономике. Афтореферат дисс.на соиск.учёной степени докт. экон.-наук.-М.: Изд.во "Бухгалтерский учёт ",2003.С.71-72.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БУХГАЛТЕРИЯ ХИ-
СОБИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ
ХУҚУҚИЙ – МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТИЗИМИ**

Поғона	Хужжатлар	Хужжатларни қабул қилган органлар
I поғона Қонуний	Қонунлар Кодекслар Президент фармонлари ва қарорлари Вазирлар Маҳкамаси қарорлари	Олий Мажлис сенати ва қонунчилик пала- талар, Президент, Ва- зирлар Маҳкамаси
II поғона Меъёрий	Бухгалтерия ҳисо- бининг Миллий стан- дартлари	Молия ва Адлия ва- зирликлари
III поғона Услубий	Низомлар, йўриқномалар, услугбий кўрсатмалар	Молия вазирлиги, Марказий банк, Дав- лат Солиқ Қўмитаси, Давлат Божхона Қўмитаси
IV поғона хўжалик юри- тuvчи субъект- ларининг ҳисоб сиёсати	Ташкилий таҳсиловчи хужжатлар (буйруқ кўрсатмалар)	Корхоналар Консалтинг фирма- лар

1.2. Солиқ ҳисобининг мазмуни ва моҳияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasida солиқ сиёсати ва солиқ имтиёзлари тўғрисида қўйидаги фикрларни билдири: «Принципial муҳим устувор вазифалардан бири солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришdir.

...1997 йилда ишлаб чиқилган ва қабул қилинган Солиқ кодекси иқтисодий ислоҳотлар соҳасида бугунги кунниң янги ва устувор вазифалари ғалабларига жавоб бермайди.

Фақат сўнгти икки йил давомида Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилигига юздан ортиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани ҳам шундан далолат беради¹¹. Юрбошимиз солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича фикрларини давом эттириб, «Солиққа тортиш тизимида қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошкора, соддалаштирилган усувларини ишлаб чиқиши¹² муҳим аҳамиятта эга эканлигини таъкидлади.

Президент И. Каримов 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги «Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги мэрралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим» номли маъруzasида солиқ сиёсатини либераллаштириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор берди.

Юрбошимиз И. Каримов таъкидладиларки: «Диққат марказимизда бўлиб келган иккинчи масала – бу иқтисодиётни либераллаштириш жараёнларини кенгайтириш ва чукурлаштириш билан боғлиқ.

Бу борада асосий эътибор солиқ юкини камайтириш, солиқ – бюджет сиёсатини либераллаштириш ва унификация қилиш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ ва молия органлари масъулиятини кучайтиришдек аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсатни амалга оширишга қаратилганини таъкидлаш жоиз»¹³. Маърузада 2005 йилда солиқ сиёсатини такомиллаштириш натижасида солиқ юкини камайтиришга

¹¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишdir. //Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарм бўлмайди. 13-том. Тошкент: Ўзбекистон, 218-219-бетлар«

¹² Ўша асар. 214- бет.

¹³ Шу ерда 82-83 бетлар

эришилгандынлиги қайд этилган. Бу борада 2006 йилда олдимизга вазифалар қўйилди.

Жумладан: «Ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишида, биринчидан, бюджет ва солиқ ислоҳотларини чуқурлаштириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш ҳамда солиқ юкини янада камайтириш мўлжалланмоқда.

Бу мақсадга эришиш учун 2006 йилда даромад солиги ставкалари сезиларли даражада – 15 фоиздан 12 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 25 фоизгача камайтирилади. ...

Экология солиги ва савдо қилиш ҳуқуқи учун ойлик йигим бекор қилинди. Бундан ташқари, соликқа тортиладиган базадан ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар чиқариб ташланди»¹⁴.

Солиқ сиёсатини такомиллаштиришда иқтисодий ахборотлар муҳим рол ўйнайди. Бухгалтерия ҳисоби бундай ахборотлар манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби назарий ва методологик жиҳатдан такомиллашиб, унинг турлари ёки қуйи тизими шаклланяпти. Молиявий ва бошқарув ҳисобларини бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми сифатида шаклланниши, кейинги даврда иқтисодий адабиётларда «солиқ ҳисоби», «стратегик ҳисоб», «экология ҳисоби», «динамик ҳисоб»лари бухгалтерия ҳисобининг қуйи тизими сифатида ёритилмоқда.

Чет эллик иқтисодчи олимлар молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисобларини ҳисобнинг алоҳида тури ва қуйи тизими сифатида зътироф этишмоқда.

Жумладан иқтисодчи олимлар Д. Морсе ва Ж. Зиммерманлар бухгалтерия ҳисобини учта қуйи тизимга ажратади: (1) бошқарув ҳисоби; (2) молиявий ҳисоб; (3) Солиқлар ҳисоби¹⁵.

Р. Айнворс, Д. Деинес, Р.Д. Риумли ва К.Х. Ларсонлар бухгалтерия ҳисобини ўзаро боғлиқ бўлган тўртта қуйи тизимга бўлади: (1) молиявий ҳисоб қуйи тизими; (2) бошқарув ҳисоби

¹⁴ Солиқ ва божхона хабарлари газетаси. 2006 йил 14 феврал. 7(603)-сон.

¹⁵ Daic. C. Morse, Jeroid L. Zimmerman. Menageral Accounting. – Irwin. 1997. p.12

қүйи тизими; (3) солиқлар ҳисоби қүйи тизими; (4) тартибга солувчи бухгалтерия ҳисоби қүйи тизими¹⁶.

В.Роберт, С.Энтони, С.Жэмислар ўзларининг «Accounting principles» номли китобида қайдагиларни қайд этади: «АҚШ да молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоби ва солиқ ҳисоби – моҳияти жиҳатидан алоҳида жараёнлардир. ГААП-молиявий ҳисобнинг, олий раҳбарият-бошқарув ҳисобининг, ИРС ва конгресс эса солиқ ҳисобининг тамойилларини белгилайди»¹⁷.

О.Н.Волкованинг ёзишича: «Ривожланган мамлакатларда солиқ тизимининг ривожланиши ва мураккаблашиши натижасида, солиққа тортиш базасини аниқ ҳисоб-китоб қилиш зарурлиги туғилди. Давлат ҳам, мулкдор ҳам ва бошқарувчилар ҳам билардиларки, бундай ҳисоб-китоблар учун ягона ва объектив маълумот – бу умумқабул қилинган тамойилларга мос равища жамланган ҳисоб маълумотларидир. Шу тариқа солиқ ҳисоби пайдо бўлди».

В.Б.Качалин ҳам АҚШ амалиётида молиявий ва бошқарув ҳисобларидан ташқари солиқ ҳисоби юритилишини эътироф этган.

Я.В.Соколов, В.Я.Соколовлар «История бухгалтерского учета»¹⁸ китобида «Ягона бухгалтерия ҳисоби молиявий ва бошқарув ҳисобларига бўлинди. Ундан кичик корхоналар ҳисоби ажралди. 2002 йилдан бошлаб бизнинг мамлакатда солиқ ҳисоби расман эълон қўлинди. ... Молиявий ҳисобнинг янгидан-янги йўналишлари, турлари пайдо бўлди (креатив, ҳисобнинг ижтимоий, инсон ресурслари ҳисоби, инсайдерлар билан ишлаш, экологик)» деб эътироф этган.

Я.В.Соколов ва В.Я. Соколовлар ёзишича: “Хозирги (1950 йилдан) босқич балансни динамик ва статистик талқин жиҳатдан (трактовка) қарашларни ривожланишига олиб келди. Динамик талқин ва калькуляцияни эволюцион методлари

¹⁶ Penne Ainsworth, Dan Deines, R. David Piumlee, Cathy Xanthaky Larson. Introduction to Accounting: An integrated approach. – Irwin. Printed in USA. 1997. p.30.

¹⁷ Robert W., Antony F., James S. Reece Accounting principles” p.19.

¹⁸ Соколов Я.В., Соколов В. Я История бухгалтерского учета: Учебник М: Финансы и статистика, 2006. С.243

бошқарув ҳисобининг туғилишига олиб келган бўлса, статистик талқин эса молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) ва миллий счетлар тизимини пайдо бўлишига олиб келди. Бу икки талқин солиқ ҳисобининг шаклланишига таъсир қилди”¹⁹.

Бу рус олимлари ўзларининг фикрларини давом эттириб, қуйидагиларни эътироф этишган: “Бу босқичда ҳисоб хўжалик жараёнида қатнашувчи ҳар хил гурухлар манфаатларини кўзлааб олиб борилади, ягона бухгалтерия ҳисоби давлат манфаати учун юритилса, молиявий – долзарб ва потенциал мулкдорлар учун, бошқарув - бошқарувчилар зарурияти учун”²⁰.

Кейинги даврда Россия Федерациясида «Стратегик ҳисоб» бўйича ҳам адабиётлар чоп этилган²¹.

Бир қатор россияликлар иқтисодчилар солиқ ҳисобини бухгалтерия ҳисобининг қуви тизими эмас, балки бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини алоҳида икки турга бўлиниши тарафдорла-ридир. А.Починок фикрича: «Солиқ ва бухгалтерия ҳисоби – ҳисоб ва ҳужжатлаштиришнинг икки туридир»²².

Шу фикрни рус иқтисодчилари А.В. Брызгалин В.Р Берник, А.А. Головкин, Е.В. Демешевалар²³ ҳам қўллааб-куватлаганлар.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки солиқ ҳисоби Украинада 1997 йилдан, Россия Федерациясида 2002 йил 1 январдан ҳисоб тури сифатида расман амалиётда қўллана бошлади.

Энг асосийси солиқ ҳисоби фан сифатида Москва Давлат Университетида, Молия академиясида, Москва матлубот коспекцияси Университетида ва бошқа олий ўқув юртларида талабаларга дарс ўтилмоқда.

Амир Темур бобомиз давлатни бошқаришда ҳисобга, шу жумладан солиқ ҳисобига алоҳида эътибор берганлар. Бобомиз

¹⁹ Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2006. С-243

²⁰ Ўша асар. 11-бет.

²¹ Стратегический учет: финансы и кредит. Под. ред. В.Э. Керимова.-М.: Омега-Л., 2005.

²² Починок А. Аудит и налоговое законодательство //Аудит. – 1996.-№4. С-3.

²³ Брызгалин А.В, Берник В.Р, Головкин А.А, Демешева Е.В. – Налоговый учет и налоговой политики предприятия.- Изу. 2-с. М.: «Аналитика – Пресс», 1997.- С.14

ўзларининг «Темур тузуклари» тарихий китобида солиқ ҳисоби тўғрисида қўйидагиларни эътироф этганлар: «Яна ҳар бир ўлкага уч вазир тайинлашларини буюрдим. Булардан бири раият учун (бўлиб), ундан йигиладиган олиқ-солиқларнинг ундирилишини кузатиб, ҳисобини олиб борсин. Олиқ-солиқ миқдори, солиқ тўловчиларнинг номларини ёзиб борсин ва раиятдан йигилган маблағни сақласин. Иккинчи вазир сипоҳ ишларини бошқаради. Сипоҳга берилган ва берилиши лозим бўлган маблағ ҳисобини олиб борсин. Учинчи вазир эса дараксиз йўқолган кишилар, келиб-кетиб юрувчилар (саёҳатчилар ва савдогарлар), ҳар хил йўл билан йигилиб қолган ҳосил, ақлдан озгандарнинг мол-мулки, вориссиз қолган мулкни, қозилар ва шайхулисломларнинг ҳукми билаң олинган жарималарни тартибга келтирсин».²⁴

Кейинги йилларда республикамиз олимлари ва иқтисодчилари томонидан ҳисоб турларининг таснифланиши, таокмиллашиши, ўзаро боғлиқлигини ўрганишда солиқ ҳисоби борасидаги фикрлари адабиётларда ўз аксини топмоқда.

Жумладан Э.Ф.Гадоев, А.А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов²⁵, А.Ҳ.Пардаев, Б.А.Ҳасанов²⁶, М.К.Пардаев²⁷, К.Б.Уразов²⁸, Б.И.Исройлов²⁹, Д.Шаулов, У. Кан³⁰ ва бошқалар ўзларининг монография, дарслик, ўқув кўлланма ва бошқа илмий асарларида солиқ ҳисобини ҳисобнинг тури ёки бухгалтерия ҳисобининг қўйи тизими сифатида эътироф этишган.

²⁴ Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 2005. –122-123 бетлар.

²⁵ Каримов А.А., Исломов Ф., Авлоқулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2004. 86-бет.

²⁶ Ҳасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Тошкент: «MOLIYA» нашриёти, 2003. 262-бет.

²⁷ Бошқарув таълими. Ўқув кўлланма. М.К. Пардаев, А.Ҳ. Шоалимов, И.Р. Пардаев, Ж.И. Исройлов. Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёти уйи, 2005. 31-бет.

²⁸ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 236-бет.

²⁹ Исройлов Б.И. Солиқлар ҳисоби ва таҳлили: муаммолар ва ечимлари. Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 272- бет.

³⁰ Шаулов Д., Кан У. Бухгалтерия ҳисоби. 1-қисм.- Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳукуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. 84-бет.

Бизнинг фикримизча, «Солиқ ҳисоби» молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоблариdek, бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмидир.


Солиқ ҳисобининг шаклланиш зарурияти нимадан келиб чиқди?

Бу борада ҳам иқтисодчилар фикрларига тўхталиб ўтамиз.

А.В.Брызгалиннинг қайд этишича «1994 йилнинг охирларига келиб, солиққа тортиши тизимининг такомиллашиши натижасида, бухгалтерия ҳисобини солиққа тортиш мақсадига бўйсиндириш, бутун ҳисоб тизимини қайта қуриш ва қайта мослашув зарурияти вужудга келди»³¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб интеграциялашув ўрнига дифференциаллашув томон ривожланмоқда. Профессор Я.В.Соколовнинг фикрича, ҳисобни янги турининг, шу жумладан солиқ ҳисобининг пайдо бўлиши илмий фикрлар прогрессиялашувининг натижасидир.³²

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг келиб чиқиши – бу бухгалтерия (молиявий) ҳисоб билан солиққа тортиш тизими кесимида, яъни уларнинг ўзаро боғлиқлиги натижасидир. Бухгалтерия ҳисоби, солиқ ҳисоби ва солиқ тизимининг ўзаро боғлиқлигини қўйидаги 2-чиzmada схема тарзида акс эттириш мумкин.



2-чиzma. Макроиқтисодиёт даражасида солиқ ҳисобининг келиб чиқиш схемаси.

³¹ Учебное пособие. Под ред. А.В. Брызгалин. – М.: «Аналитика – Пресс», 1998. – С. 267.

³² Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2006. С-528.

Бу чизма орқали бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизими ўзаро боғлиқлигининг оптимал нуқталарини топиш, принципиал аҳамиятга эга. Бу боғлиқликнинг оптимал нуқтаси – бу солиқ ҳисобининг келиб чиқишидир.

К.Б.Уразовнинг ёзишича: «Мустақиллик йилларида МДҲ мамлакатларининг ҳисоб тизимига янгидан киритилган солиқ қонунчилиги катта таъсир ўтказди. Солиқ қонунчилигига кўзда тутилган солиқлар бўйича уларни солиққа тортиладиган базалари тўғрисидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларидан бевосита олиш имкони бўлмаганлиги учун ҳисобнинг маҳсус «Солиқлар ҳисоби» номли янги турига зарурият түғилди»³³.

Ҳақиқатдан ҳам МДҲ давлатларида, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида солиқ қонунчилиги шаклланди ва такомиллашиб бормоқда. 1997 йил 24 апрелда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси» қонун сифатида тасдиқланди³⁴. Ўтган давр мобайнида Солиқ Кодексига ўзгартиришлар киритилиб, такомиллаштириб борилди.

Ҳар йили йилнинг охирида келгуси йил учун солиқ қонунчилигига рўй берган ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади. Масалан. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ – 244-сонли Қарори³⁵.

Яна бир муҳим масала, бу Давлат бюджетига тушадиган солиқ ва мажбурий тўловлар миқдорининг йилдан-йилга ўсиб боришидир. Бу ҳам қайсиdir маънода солиқ ҳисобини юритишни зарурият қилиб кўяди. Республика бўйича 2005 йил учун белгиланган 2685,7 млрд. сўм прогноз кўрсаткичларига нисба-

³³ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 27-бет.

³⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичларипрогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ – 244-сонли қарори.

тан дастлабки маълумотларга кўра ҳақиқатда 2739,4 млрд. сўм маблаг йўналтирилган ёки прогноз 102,0 фоизга бажарилган. Бу ўтган йилги кўрсатқичга нисбатан 769 млрд. сўм ёки 39,0 фоизга кўпдир.

Солиқ манбаларининг ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан юридик шахслар бўйича даромад (фойда) солиги 28,7 фоизни, жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича даромад солигидан 20,2 фоизни, қўшилган қиймат солигидан 22 фоизни, акциз солигидан 15,3 фоизни, ер солигидан 22,8 фоизни, ер ости бойликлиридан фойдаланганлик учун солиқдан 532,5 фоизни, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан 31,6 фоизни ва экология солигидан 44,7 фоизни ташкил этган.

Республика бўйича асосий 8 та солиқ турларининг барчасидан йиллик прогноз кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланган.

Юқорида баён этилганлардан хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда Республикамизда ҳам солиқ ҳисобига зарурият туғилмоқда.

Энди “Солиқ ҳисоби” нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин? деган саволларга тўхталсак.

“Солиқ ҳисоби”га иқтисодчи олимлар томонидан ва мэъёрий хужжатларда турли таърифлар берилган. Жумладан, Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-боби 313-моддасида солиқ ҳисоби қўйидагicha таърифланган: Солиқ ҳисоби – бошланғич хужжатлар асосида фойда солиги бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш учун Солиқ Кодексида белгиланган тартибиға мос равищда гурухланган маълумотларнинг умумлаштирилган тизимиридир³⁶.

Бу таърифда солиқ ҳисоби фақат фойда (даромад) солигини солиққа тортиш базасини аниқлаш учун керакли бўлган маълумотлар тизимини кўзда тутган. Шу сабабли солиқ ҳисобига тор маънода таъриф берилган. Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг обьекти фақат фойда солиги эмас, балки у ёки бу мамлакатда амал қилаётган барча солиқ турларидан.

³⁶ Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая). Глава 25, статья 313.

Л.Б.Сидельникова ва Е.Н. Назарянлар солиқ ҳисобини шундай таърифлайди: «Солиқ ҳисоби – солиқ түловчилар томонидан амалга оширилган, даромад ва харажатларни рўй беришига олиб келадиган, белгиланган тартибда ҳисобга олинадиган жараёнлар, Р Ф Солиқ Кодексидаги тартибда жорий ёки келгуси давр учун солиққа тортиш базасини ҳисоблаш мақсадида ахборотларни қайд этиш ва умумлаштириш тизимиdir»³⁷.

Бу таъриф олдинги таърифга нисбатан тўлиқроқ бўлиб, лекин камчиликдан ҳоли эмас. Чунки ҳисоб маълумотлар асосида фақат маълум ҳисобот даври (жорий йил) учун солиқлар бўйича солиққа тортиш базаси аниқланади, келгуси даврлар учун эмас.

В.Я.Кожиновнинг фикрича: «...солиқ ҳисоби – бу корхонанинг молиявий - иқтисодий ҳолати тўғрисидаги, хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш, солиқларни режалаштириш, фойдани бошқариш ва РФ. солиқ органлари учун ҳисоботларни тузишга керакли бўлган ахборотларни йигиш, назорат қилиш ва умумлаштиришнинг куйи тизимиdir»³⁸. В.Я. Кожинов солиқ ҳисобига таъриф беришда бевосита солиқ ҳисобининг мақсадидан келиб чиқкан ва у юқоридаги таърифларга нисбатан батафсилдир. В.Я. Кожинов берган таърифга ўхшашиб таъриф В.Н. Журавлев томонидан берилган: «...солиқ, ҳисобнинг бу тури – бу корхонанинг молиявий-иктисодий ҳолати тўғрисидаги ахборотларни йифиш, назорат қилиш ва умумлаштиришнинг куйи тизимиdir».

Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан солиқ ҳисобини ҳисобнинг тури³⁹ ёки бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми⁴⁰ деб эътироф этсаларда, солиқ ҳисобига таъриф бермаганлар.

Юқорида келтирилган таърифларни ўрганиб ва таҳлил қилиш натижасида бизнинг фикримизча, «солиқ ҳисоби»га куйидагича таъриф бериш мумкин:

³⁷ Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика для целей налогообложения. М.: ИКФ Омега – Л., 2002. –С. 64.

³⁸ Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылю. М.: Издательство «Экзамен», 2005. –С. 32.

³⁹ Каримов А.А., Исломов Ф., Авлокулов А. Бухгалтерия ҳисоби. Тошкент: Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2004. 86-бет.

⁴⁰ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 29-бет.

Солиқ ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ахборотларни йиғиш, қайд этиш, қайта ишлаш, гуруҳлаш ва умумлаштириш тизимиdir.

Бу таърифга асосланган ҳолда солиқ ҳисобининг вазифаси, мақсадини қўйидагича баён этиш мумкин:

Солиқ ҳисобининг вазифаси – бу ҳисобот даврида солиқ ва мажбурият тўловларни тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ишончли ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш, ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларни керакли маълумотлар билан таъминлашдир.

Энди «солиқни ҳисобга олиш» Солиқ Кодексларда қандай эътироф этилганлиги тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 10-моддаси «Солиқни ҳисобга олиш» деб номланади ва қўйидагича ёзилган «Юридик шахсларнинг даромадлари ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар, тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, улар таалтуқли бўлган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ акс эттирилади»⁴¹.

Бу тўғрисида Россия Федерациясининг Солиқ Кодекси 25-боб, 313-моддасида қўйидагича ёзилган «Солиқ тўловчилар ҳисобот (солиқ) даври натижасига кўра солиққа тортиш базасини солиқ ҳисоби маълумотлари асосида ҳисоблади»⁴².


Бу қиёслашдан хулоса шуки, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексини янги таҳририда «солиқ ҳисоби» алоҳида моддада баён этишни таклиф этамиз. Бунда республикамиз иқтиодиёти ва солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши зарур.

Солиқ ҳисобининг пайдо бўлиши хўжалик ҳисоби, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби турлари (қуйи тизим) таркибида ҳам ўзгариш рўй беради.

⁴¹ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. 10-модда.

⁴² Глава 25 Налогового Кодекса РФ. Новая редакция и комментарии. -М.: Вершина, 2005. -С. 177.

Бизнинг фикримизга хўжалик ҳисобининг турлари ва таркибини қўйидагича акс эттириш мумкин (3-чизма).



3- чизма. Хўжалик ҳисоби турлари.

1.3. Солиқ ҳисоби амалиёти ва уни такомиллаштириш муаммолари

Республикамизда бозор иқтисодиётiga асосланган иқтисодиётни бошқаришда бухгалтерия ҳисоби алоҳида ўрин тутади. Бу шароитда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг молиявий бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича меъёрий-хукуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонун, Солиқ Кодекси, Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 декабрдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган. «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмий-лаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом (2005 йил 24 феврал) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Президентимизнинг кейинги фармон ва қарорлари мамлакатимизда солиқ сиёсатини такомиллаштиришга қаратилиши билан бирга бухгалтерия ҳисоби ва, жумладан солиқлар ҳисоби методологиясини такомиллаштиришда ҳам дастурил - амал бўлиб ҳисобланади.

Президентимизнинг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий ва хорижий инвеститцияларни жалб этишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига асосан тўғридан-тўғри жалб қилинган хусусий хорижий инвеститцияларнинг ҳажмига қараб 3 йилдан 7 йил муддатларда солиқ ва мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинади.

Юргашимизнинг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилган қўйидаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (14.06.2005) П-Ф-3618-сонли Фармони;

«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғри-сида»ги 14.06.2005 й. ПФ-3619 сонли Фармони;

«Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш түғрисида»ги 15.06.2005 й. ПФ-100-сонли қарори;

«Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора - тадбирлар түғрисида»ги 20.06.2005 й. ПФ-3620-сонли Фармони;

«Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш түғрисида»ги 24.06.2005 й. ПФ-3622 сонли фармон ва қарорларида солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектларига жуда катта қулайликлар яратди ва имтиёзлар берилди.

Мамлакатимизда юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари ташкил қилинади. Масалан: даромад (фойда) солиғининг базасини аниқлашда қуйидаги БХМСдан фойдаланилади. Булар БХМС нинг 1-сонли «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» стандарти;

БХМС нинг 2-сонли «Асосий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар» стандарти;

БХМС нинг 3-сонли «Молиявий натижалар түғрисидаги ҳисоботи» стандарти;

БХМС нинг 4-сонли «Товар-моддий захиралари» стандарти;

БХМС нинг 5-сонли «Асосий воситалар» стандарти;

БХМС нинг 7-сонли «Номоддий активлар» стандарти;

БХМС нинг 12-сонли «Молиявий инвестициялар ҳисоби» стандарти;

БХМС нинг 23-сонли «Қайта ташкил этишини амалга оширишда моливий ҳисоботни шакллантириш» стандарти;

БХМС нинг 21-сонли «Корхоналар молия-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счўтлар режаси» стандарти ва бошқалар.

Хозирги вақтда хўжалик юритувчи субъектлар солиқлар ва мажбурий тўловларни молиявий бухгалтерия ҳисобида акс эттиришда қўйидаги счёtlардан фойдаланилади:

0930 – «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги» счёти;

3210 – «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги – жорий қисми» счёти;

4510 – «Солиқлар бўйича бўнак тўловлар» счёти;

6220 – «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар – жорий қисмига» счёти;

6400 – «Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби» счёти;

6520 – «Ижтимоий сугурта бўйича тўловлар» счёти;

6530 – «Бюджетдан ташқари фондларга тўловлар» счёти;

7210 – «Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги бўйича мажбуриятлар» счёти;

7220 – «Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» счёти;

8840 – «Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» счёти;

9810 – «Даромад (фойда) солиги тўлаш» счёти ва бошқалар.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни акс эттирувчи счёtlар сон жиҳатидан кўп. Бизнинг фикримизча, бу счёtlарнинг кўплиги амалиётчи бухгалтерлар ишида қўйинчиликлар тутғирмоқда. Юқорида сабаб ўтилган счёtlар билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ёзувлари 1-8- жадвалларда келтирилган.

**Солиқлар билан бөглиқ хұжалик жараёнларини
бухгалтерия ҳисоби счёtlарида акс эттирувчи
бухгалтерия ёзувлари корреспонденцияси**

I-жадвал

**09-Узоқ муддатлы дебиторлик қарзлар ва муддаты узайти-
рилган қаражатлар ҳисоби счёtlари корреспонденцияси**

№	Хұжалик операцияси маз- мунни	Счёtlар кор- респонденцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Молиявий лизинг шартно- маси бүйича лизинг олувчи билан келишилган нархда асосий воситаны бериш: - узоқ муддатлы қисмiga - жорий қисмiga	0920 4810	9210 9210	Молиявий лизинг шартномаси, қабул қилиш- топшириш дало- латномаси
2	Молиявий лизинг шартно- маси бүйича берилған асо- сий воситаларнинг лизинг олувчи билан келишилган қыймати ва қолдук қыймати үртасидаги фарққа	9210	7290	Молиявий лизинг шартномаси
3	Молиявий лизинг бүйича ҳисобланған фоизлар сум- маси билан акс эттирилған	4810	9550	Молиявий лизинг шартномаси, мо- лиявий лизинг бүйича фоизлар ҳисоби
4	Молиявий лизинг бүйича берилған асосий воситалар- да олинған даромад акс эт- тирилғанда	7290	9550	Молиявий лизинг шартномаси, түлов ҳисоблари
5	Ҳар ойда молиявий лизинг узоқ муддатлы қисмининг олинадиган жорий қисмiga тегишли суммаси үтказилғанда	4810	0920	Молиявий ли- зинг шартнома- си, түлов ҳисоби
6	Лизинг түлови (ижара ҳақи) келиб тушғанда	5110 5210- 5220	4810	Түлов топши- риқномаси (та- ладбномаси) банк күчирмаси

7	ТМБ бериш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, бошқа активларни юбориш бўйича берилган бўнакларнинг узоқ муддатли қисми акс этирилганда		5110 5210- 5220 5510- 5530	Тўлов топшириқномаси (тадабномаси) банк кўчирмаси	
8	ТМБ жўнатиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш, бошқа активларни юбориш учун берилган узоқ муддатли бўнакларнинг йил бошида жорий қисмiga тегишли суммасини ўтказиш	4310, 3110 3120, 3190	0940	Тўлов топшириқномаси (тадабномаси) банк кўчирмаси ўтказиш ҳисоби	
9	Банк томонидан тўлови кафилланган, жўнатилган товарлар, тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун харидор ва бўртмачилардан олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми акс этирилганда		0910	4010	Счёт-фактура тўлов талабномаси ТТН
10	Товар ва тайёр маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар, бошқа активлар учун олинган векселларнинг узоқ муддатли қисмидан ҳар ойда жорий қисмiga ўтказилган суммага	4020	0910	Счёт-фактура тўлов талабномаси, ТТН, узоқ муддатлидан жорийга ўтказиш ҳисоби	
11	Ўз бўлинмаларидан олинадиган тўловларнинг узоқ муддатли қисми акс этирилганда	0990	Активларнинг ҳар хил счётлари	Счёт-фактура тўлов талабномаси ТТН	
12	Ҳар ойда бўлинмалардан олинадиган узоқ муддатли тўловларнинг бир қисмини жорий тўловларга ўтказиш	4110	0990	Счёт-фактура тўлов талабномаси, ТТН, узоқ муддатлидан	

				жорийга үтказиш ҳисоби
13	Кейинги даврлар учун ижа-ра ҳақи акс эттирилганда	0940	5110	Мөлиявий ли-зинг шартнома-си, түлов топшириқнөмаси
14	Кейинги даврлар учун тўланган абонент тўлови акс эттирилганда	0940	5110	Адабиёт, телефон хизмати ва бошқалар, обуна шартномаси, тўлов топшириқнөмаси
15	Ҳар ойда узоқ муддатли узайтирилган харажатларнинг жорий қисмини ўтказиш	3110, 3120 3190	0940	Ўтказиш ҳисоби, бажа-рилган хизмат квитанцияси
16	Келгуси давр харажатларининг тегишли қисми жорий давр харажатларига ўтказилганда	2010, 2310 2510, 9421- 9429	0940,31 10 3120,31 90	Ўтказиш ҳисоби, бажа-рилган хизмат квитанцияси
17	Вақтингчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги акс эттирилганда	0930	6410	Солиқ ҳисоби
18	Ҳар ойда узоқ муддатли муддати узайтирилган даромад (фойда) солигининг тегишли суммасини жорийга ўтказишида	3210	0930	Солиқ ҳисоби, ўтказиш ҳисоби
19	Кредитга сотилган товар қарзнинг узоқ муддатли қисмини акс эттирилганда	0990	9010,90 20	Кредит шартномаси
20	Ҳар ойда кредитга сотилган товар бўйича узоқ муддатли қарзнинг тегишли суммаси жорийга ўтказилганда	4610	0990	Кредит шартномаси, ўтказиш ҳисоби
21	Берилган қарзнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилганда	0990	5100	Қарз шартномаси, банк кўчирмаси

22	Ҳар ойда берилган узоқ муддатли қарзниң тегишли қисми жорийга ўтказилганда		4620	0990	Қарз шартномаси, ўтказиш ҳисоби
23	Моддий зарарни қоплаш бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисми акс эттирилганда		0990	2610,50 10-5020 5510 9390	Инвентаризация рўйхати, таққослама кайднома, инвентаризация комиссияси баёни
24	Ҳар ойда моддий зарарларни қоплаш бўйича қарзларнинг узоқ муддатли қисми тегишли суммаси жорийга ўтказилганда	4630		0990	Инвентаризация рўйхати, таққослама кайднома, инвентаризация комиссияси баёни, ўтказиш ҳисоби
25	Ҳар ойда бошқа шахсларнинг узоқ муддатли қарзларининг тегишли суммаси жорийга ўтказилганда	4890		0990	Хизмат кўрсатиш шартномаси, счёtfактура, ўтказиш ҳисоби
26	Олинган кредитлар ҳисобидан банкларнинг ўтказилиши		0940	7510	Счёtfактура, ТТН, тўлов топшириқномаси, банк кўчирмаси

2-жадвал

32-Муддати узайтирилган харажатлар-жорий қисми ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Вақtingчалик фарқларга тегишли харажатларга солиқ ҳисобланганда: - узоқ муддатли қисмiga - жорий қисmiga	0930 3210	6410 6410	Бухгалтерия ҳисоблаши

2	Вақтингчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли солиқни жорийга ўтказишда	3210	0930	Бухгалтерия ҳисоблаши
3	Жорий ҳисобот даврида бюджетга тўланадиган солиқ, ўтган ҳисобот даврида муддати узайтирилган тегишли солиқ суммасига камайтирилганда	6440	3210	Бухгалтерия ҳисоблаши
4	Жорий давердан бошқа муддати узайтирилган харажатлар акс эттирилганда: - узоқ муддатли қисмига - жорий қисмига	0940 3290	6110,6110 6510,6530 6710,7010 7110	Бухгалтерия ҳисоблаши
5	Бошқа муддати узайтирилган харажатларнинг узоқ муддатли қисмини жорийга ўтказилганда	3290	0940	Бухгалтерия ҳисоблаши
6	Муддати узайтирилган харажатларнинг тегишли қисми жорийга сарфлар таркибига ўтказилганда	2010,23 10,2510, 2710 2790 9410 9430	3290	Бухгалтерия ҳисоблаши

3-жадвал

45-Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича банк тўловлари ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Сотиб олинган материал ресурслар, ишлар ва хиз-	4510	6010	Накладной, тўлов

	матларга тегишли ҚҚС акс эттирилганды			хужжатлари
2	Жорий түловлар маълумотномаси асосида бюджетга солиқлар бўйича бўнак ўтказилганды	4510 4550	5110	Тўлов топшириқномси, инкасса топшириқномаси
3	Ишлаб чиқаришга ҳисобдан чиқарилган ёки сарфланган (ишлар ва хизматларга ҳам) материал ресурсларга тегишли ҚҚС акс эттирилганды	6410	4510	ҚҚС ҳисоби ва таннарх калькуляцияси
4	Бошқа корхоналар устав капиталига молиявий кўйилма тарзида ҳамда текинга берилган материал ресурсларига тегишли ҚҚС акс эттирилганды	9220	4510	Қабул қилиш – топшириш даголатномаси
5	Солиқ ва бошқа тўловларнинг узил-кесил ҳисоблаши акс эттирилганды	6410 6530	4510 4550	Солиқ ва бошқа тўловларни ҳисобланиши

4-жадвал

65 – Муддати узайтирилган мажбуриятларнинг жорий қисми ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Келгуси даврда бажариладиган хизматлар ёки ишлар учун бўнак суммаси келиб тушиши	5110 5120	6210	Банк хабарномаси, ТТ ёки ИТ нусхаси

2	Келгуси давр тушумлар суммаси (хисобот даври бошланиши пайтига)	6210	9010 9020 9030	Турлари ва чиқим қилиш муддати бўйича келгуси даврлар ҳисоби ведомости
3	Етишмайдиган бойликлар суммаси (фарқлар бўйича қарзларнинг тўланиш меъёри бўйича чиқим қилиниши)	6210	9550	Инвентаризация комиссияси қарори, буйруқ, молиявий лизинг бўйича даромадлар ҳисоби ведомости
4	Муддати узайтирилган даромадларга	6210	9010 9010	Турлари ва чиқим қилиш муддати бўйича келгуси даврлар ҳисоби ведомости
5	Ҳисобот даврида бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқлар бўйича муддати узайтирилган узоқ муддатли маъжӯриятларнинг жорий қисмини чиқим қилиниши	7220 6220	6220 6410	Хукумат қарори, маълумотнома, инвентаризация комиссияси қарори, буйруқ
6	Облигацияларни чегирма билан сотилиши (номинал қийматидан паст)	5110 6230	7610 6230	Сотишга шартнома, топшириқ, брокер ҳисоботи, депозитарияга қимматбаҳо қоғозларни ўтказиш тўғрисида топшириқ
7	Облигация жорий чегирмасининг чиқим қилиниши	9610	6230	Чегирманни чиқим қилиши ҳисоби
8	Облигацияни мукофотли сотиш (номинал қийматдан ортиқ)	5110 5120	7610 6240	Сотишга шартнома топшириқ, брокер ҳисоботи, депозитарияга қимматбаҳо

				қоғозни ўтказиши тўғрисида топли- риқ, банк кўчирмаси
9	Жорий облигация му- кофотининг чиқим қилиниши	6240	9530	Мукофотни чиқим қилиш ҳисоби
10	Узоқ муддатли муддати узайтирилган дис- конт(чегирманинг) чиқим қилиниши	6230	7230	Дисконт чиқим қилиш ҳисоби
11	Узоқ муддатли муддати узайтирилган муко- фот қисмининг жорий қисмига чиқим қилиниши	7240	6240	Мукофот чиқим қилиш ҳисоби

5-жадвал

64-Бюджетта (солиқ турлари бўйича) тўловлар бўйича қарздорлик ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспон- денцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Капитал кўйилмалар билин боғлиқ ва бюджетта тўланиши лозим бўлган қарз-дорлик суммаси акс этирилганда	0810 0890	6410	Солиқ ҳисобини аниқлаш ҳисоби
2	Материалларни тайёр- лаш, сотиб олиш ҳамда иш ҳақини тўлаш (шу жумладан ўз ишлаб чиқаришда) билан боғлиқ, солиқ ва йигимлар бўйича бюджетта қарздорликни акс еттирилиши	1210 1510	6410	Солиқ сумма- сини аниқлаш ҳисоби, ходим- ларга иш ҳақи ва бошқа тўловлардан ушламалар ҳи- соби ведомости

3	Маҳсулотларни тайёрлаш, сотиши пайтида солиқ ва йигимлар ажратмаси бўйича бюджетга қарздорлик акс эттирилганда		9439	6410	Солиқ ва йигимлар сумасини аниқлаш ҳисоби (расчёт)
4	Тайёр, маҳсулот ва доварлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилилган хизматлар сотилишига ҚҚС ва акциз суммалари ҳисобланганда	4010 4020 4110	6410		Счёт-фактура (юк хати)
5	Асосий воситалар ва бошқа активлар сотилиши ва ҳисобдан чиқарилишига ҚҚС ва акциз суммалари ҳисобланганда	9210 9220	6410		Солиқ ва йигимлар сумасини аниқлаш бўйича ҳисоб жадвали
6	Бюджетдан маблагларнинг қайтарилиши (қайта ҳисоблаш тутагандан кейин)	5110 5210	6410		ДСИ хати банк кўчирмаси
7	Ҳисобланган диведентлардан, бюджетга тўланиши лизим бўлган даромад солиги суммаси акс этирилган	6610 6710	6410		Ҳисобланган диведентлардан ушланмалар ҳисоби ведомости
8	Мехнат ҳақи суммасидан ушланган даромад солиги суммаси акс этирилган	6710	6410		Иш ҳақи ҳисоблаш ва ушланмалар ҳисоби ведомости
9	Йил давомида фойдадан бюджетга ҳисобланган тўловлар суммаси акс этирилганда (солиқлар, молиявий санкциялар ва ҳ.к.)	9810 9820 9890	6410		Солиқ суммасини аниқлайдиган ҳисоб жадвали
10	Йил давомида бюджетта ўтказилган ҳақиқий тўловлар, кўшимча ўтказилган тўловлар	6410	5010 5110 5210		Тўлов топширикномаси банк кўчирмаси
11	Ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар)га меъери билан чиқим қилинган материал тегиши	6410	4510		Жорий ойга ҚҚС ҳисоблаш ведомости

	ли ҚКС сүммаси акс этирилиши (қабул қилинган солиққа тортиш тизимига биноан)			
12	Чет зәл валютасига солиқ түлаш бүйича ижобий курс фарқи акс этирилиши (салбий курс фарқи)	6410 9620	9540 6410	Банк күчирмаси ҮзР МБ ўрнатылган валюта курси
13	Бюджетдан қарзларни банкдан ссуда олиш йүли билан түлениши	6410	6910	Кредит шартномаси, банк күчирмаси
14	Шунинг ўзи, корхоналардан (банклардан ташқари) ссуда олиш йүли билан	6410	6920 6930	Шартнома, банк күчирмаси

6-жадвал

65-Сугурта бүйича ва бюджетдан ташқари фондларга түловлар бүйича қарздорлик ҳисоби счётлари

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счётлар корреспонденцияси		Ёзувни таққословчи ҳужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Капитал қурилишга сугурта түловлари бүйича қарздорлик сүммаси акс этирилганда	0810 0890	6510	Сугурта түловлари ҳисоблари, харажатлар, жойи, сугурта тури, сугурта шартномалари
2	Мулкий ва ходимлар сугуртаси бүйича мажбурий түловлар ҳисобланниши (асосий ва ёрдамчи цехлар, умумий хўжалик бўлинмалари)	2010 2310 2510 9420 6429	6510	Харажатлар жойи, сугурта тури, сугурта шартномалари, шартномаси бүйича сугурта түловлари ҳисоби (расчётлар)
3	Мулква, ишлаб чиқариш ва хўжаликка хизмат кўрсатувчи ходимларга сугурта бүйича қарздорлик ҳисобланниши	2320 9450	6510	Шунинг ўзи
4	Мулкий ва нокапитал ишлар билан банд хо-	2710 2790	6510	Шунинг ўзи

	димлар сугуртаси учун қарздорлик ҳисобланиши			
5	Суғурта шартномасига биноан корхона ишчисига тегишли бўлган сугурта қопланиши суммаси акс эттирилганда	6510	6510	Банкдаги счётдан кўчирма, сугурта тўлови суммаси кўрсатилган хабарнома
6	Мулкка ва тижорат фаолияти ёки савдо корхоналаридаги ҳодимларга тегишли сугурта тўловлари бўйича қарзнинг акс эттирилиши	6419	6510	Харажат жойи, сугурта тури, сугурта шартномаси бўйича сугурта тўлови ҳисоблаш жадвали
7	Сугурта компанияларидан ҳисоб-китоб ёки валюта счётига қоплама суммаси келиб тушиши	5110 5210 5220 5510- 5590	6510	Банкдан счёtlардан кўчирма, тўланадиган сугурта суммаси, кўрсатилган хабарнома
8	Сугурта бўйича йўқотишларни, тегишли счёtlарга чиқум қилиниши (захирапларнинг, тайёр маҳсулотларнинг, товарларнинг ва ш.к бузилиши ва йўқ қилиниши)		1010- 1090 1100 1210 1230 2810 2820 2910- 2990	Харажат жойи, сугурта тури бўйича сугурта тўловлари ҳисоби, сугурта шартномаси, инвентаризация комиссияси қарори
9	Мулкий ва шахсий сугурта бўйича ҳисобланган сугуртани тўловлари банкдаги счёtlардан тўланиши	6510	5110 5210 5220 5510- 5530	Банкдан кўчирма, тўлов талабномаси
10	Корхоналарнинг сугурта тўловларини тўлаш операциялари бўйича валюта курсининг ижобий фарқи акс эттирилиши (салбий курс фарқи)	6510 9620	9540 6510	Банкдан кўчирма ЎЗР МБ томонидан ўрнатилган валюта курси
11	Ижтимоий сугурта бўлимларининг жиҳозлар сотиб олиш ва сақлаш пайтида ҳисобланган	0710 0720	6520	Иш ҳақи бўйича ҳисоблаш ведомости

	мәҳнат ҳақи бүйича қарзи акс эттирилиши			
12	Капитал курилишда банд бўлган ходимларга тиббий сугурта, нафақа таъминоти ижтимоий сугурта бўйича қарздорлик ҳисобланиши	0810 0890	6520	Иш ҳақи бўйича ҳисоблаш ведомости
13	Социал сугурта ва таъминот бўлимларига материалларни тайёрлаш, ҳай-вонларни сотиб олиш ҳамда ўз ишлаб чиқариши билан боғлиқ қарзларни акс эттирилиши	1010- 1090 1110 1210- 1290	6520	Харажатлар жойи, сугурта турлари бўйича, сугурта тўловлари ҳисоби, сугурта шартномаси
14	Моддий бойликларни тайёрлаш ва етказиш учун тўланган мәҳнат тўлови бўйича ижтимоий сугурта бўйича қарздорлик	1510	6520	Мәҳнат ҳақи бўйича ҳисоб кайдномаси
15	Асосий ва ёрдамчи цех ишчилари мәҳнат ҳақи суммасидан ижтимоий сугурта бўлимларига ажратма амалга оширилиши	2010 2310	6520	Мәҳнат ҳақи бўйича ҳисоб кайдномаси
16	Иш ҳақи суммасидан умушишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига олиб бориладиган, ижтимоий сугурта ва таъминот бўлимларига ажратмалар амалга ошириши	2510	6520	Харажат жойи, сугурта тури бўйича сугурта тўлови ҳисоби, сугурта шартномаси Иш ҳақи бўйича қайдномаси
17	Яроқизни тўғрилаш билан боғлиқ мәҳнат ҳақи бўйича ижтимоий бўлимлардан қарздорликни акс эттириш	2510	6520	Харажат жойи, сугурта тури бўйича сугурта тўлови ҳисоби, сугурта шартномаси Иш ҳақи бўйича қайдномаси
18	Худди шундай қарздорлик фақат ишлаб чиқариш ва хўжаликка	2320 9450	6520	

	хизмат қилувчи ходимларга мөхнат ҳақи бүйича			
19	Худди шундай қарздорлик, фақат нокапитал ишлар билан банд ходимларнинг иш ҳақи бүйича	2710-2790	6520	
20	Худди шундай қарздорлик, фақат келгуси даврларга олиб бориладиган ишлаб чиқариш ишларида банд бўлган ходимлар мөхнат ҳақи бүйича	3190	6520	
21	Худди шундай қарздорлик, фақат маҳсулотларни тайёрлаш ва сотиш билан банд ходимлар мөхнат ҳақи тўлови бўйича	9414	6520	
22	Савдо корхоналарида банд бўлган ходимлар мөхнат ҳақи тўлови бўйича ҳисобланаш амалга оширилиши	9415	6520	
23	Асосий воситаларни чиқаришлиқда ҳисобланган иш ҳақи суммаси бўйича ҳисоблашнинг амалга оширилиши	9210	6520	
24	Банкдаги счётларга сугурта бўлимларидан ҳисоблангандан ортиқча тегишли харажатлар келиб тушишининг акс этирилиши	5110 5210	6520	Банк кўчирмаси, солишишима далолатнома ҳисоблар
25	Корхона ходимлари ҳисобидан ижтимоий сугурта ажратмаси ҳисобланнишини амалга оширилиши	6710	6520	Ижтимоий сугурта ажратма ҳисоби, иш ҳақи ҳисоби қайдномаси

26	Келгуси давр харажатлари ва тўловлари (мавсумий тармоқлар; таъмирилаш ишларида ва ҳоказолар) ҳисобига олиб борилган иш ҳақи суммасидан қарздорлик акс этирилиши	8910	6520	
27	Ижтимоий сугурга бўлимлари фойдасига итимоий сугурта бўйича ажратмаларнинг ҳақиқий ўтказилиши (банкдаги счётлардан). Ушбу бўлимлар ҳисобидан ишчиларга нақд пул тўланиши (нафақа, болага қараш нафақаси ва ҳ.к.).	6520	5110 5010	Банкдан кўчирма, тўлов топширикномаси. Чек дафтарчаси, чиқим касса ордери
28	Ижтимоий сугурта бўйича ходимларга берилган суммалар акс этирилиши	6520	5010	Чиқим касса ордери
29	Ҳисоб-китоб счёти ёки валюта счётига бюджетдан ташқари фонdlардан тушган тушумларнинг ҳисобига олиниши	5110 5210	6530	Банкдан кўчирма
30	Маҳсулот танинхига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фонdlарга ҳисобланган бадаллар, солиқлар, тўловлар суммаси акс этирилиши	2010 9419	6530	Харажатлар жойи, фонд турлари бўйича бюджетдан ташқари фонdlарга ажратмалар ҳисоби
31	Муомала харажатларига (савдода) ҳамда тижорат харажатлари ҳисобига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фонdlарга ҳисобланган бадаллар суммасини акс этирилиши	9419	6530	
32	Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқарш ва хўжалик	2320 9450	6530	Фонд турлари, харажат жойлар

	маҳсулот ишлар, хизмат харажатлар ҳамда келгуси давр харажатлари таркибига олиб бориладиган бюджетдан ташқари фондларга ҳисобланган бадаллар суммаси акс этирилиши	3190		бўйича бюджетдан ташқари фондларга ажратмалар хисоби, жорий ой учун ички баланс ҳисоби қайдномаси
33	Олдин ҳисобланган суммаларнинг бюджетдан ташқари фондларга ўтказилиши (кассадан ҳамда банкдаги счёtlардан)	6530	5010 5110 5210 5510 5590	Касса китоби, чиқим касса ордери, банк кўчирмаси, тўлов топшириқномаси

7-жадвал

72-Муддати узайтирилган узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси		Ёзувни тақословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Вақtingчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги суммаси ва ҳисобот даврининг даромад (фойда) солиги бўйича ҳисобланган қарзи акс этирилган	9810	7210 6410	Солиқ ҳисоб-китоби
2	Вақtingчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад (фойда) солиги бўйича мажбуриятлар, бюджет олдидағи жорий қарзга чиқим қилинди	7210	6410	Солиқ ҳисоб-китоби
3	Солиқ бўйича бюджетта узоқ муддатли қарзлар ҳисобланди	9810	7220	Солиқ ҳисоб-китоби
4	Мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли қарз ҳисобланди	9439	7220	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
5	Хукумат қарори бўйича, тўлов муддати узайтирилган узоқ муддатли солиқ ва мажбурий тўловларни жорий қисми, бюджетта тўлаш учун ҳисобот даврига чиқим қилинди	7220	6220	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

6	Облигацияларни чегирма билан сотиш (номинал қий-матдан паст қийматда)	511,51 20 7230	76.0	Юк хати, бир-бирига ўтказиш даплатномаси
7	Муддати узайтирилган облигация чегирмасини жорий қисмга, кейинчалик харажат қилиш учун чиқум қилинганда	6230 9610	7230 6230	Бухгалтерия хисоб-китоби
8	Облигацияларни мукофотли сотиш (номинал қийматдан юқори)	5110 5120	7610 7240	Юк хати, бир-бирига ўтказиш даплатномаси
9	Муддати узайтирилган облигация мукофотини жорий қисмига кейинчалик даромад қилиниши билан чиқум қилинганда	7240 6240	6240 9530	Бухгалтерия хисоб-китоби

8-жадвал

98-Солиқлар ва йигимларни тўлаш учун фойдани ишлатилиши ҳисоби счёtlари корреспонденцияси

№	Хўжалик операцияси мазмуни	Счёtlар корреспонденцияси		Ёзувни таққословчи хужжатлар
		Дебет	Кредит	
1	Фойдани бюджетга тўловлар бўйича йил давомида ҳисобланган қарз суммалари акс эттирилганда	9810	6410	Фойдадан даромад солиғини ҳисоблашнинг формаси, йигимлар ва турли ажратмаларни ҳисоблаш формаси
2	Йил охирида муддати узайтирилган фойда (даромад) солиғи бўйича, вақтингачалик ижобий фарқ корректировка қилинганда (вақтингачалик фарqlарнинг ҳосил бўлишини биринчи йилида)	9410	0930	Бухгалтерия хисоб-китоби
3	Йил охирида муддати узайтирилган вақт бўйича	6410	3210	Бухгалтерия хисоб-китоби

	ажратиладиган солиқнинг жорий қисми пропорционал ҳисобдан чиқарилгандага (қайсики биринчи йилда ижобий деб ҳисобланган фарқи келгуси йилларда ҳисобдан чиқарилгандага)			
4	Асоссиз олинган фойда ва иктиносидий жазоларнинг бюджетга ҳисобланиши	9890	6410	Бухгалтерия ҳисоб-китоби
5	Ҳисобот йили охирида солиқ ва йигимлар учун фойдани ишлатилиши ҳисоби счётларининг ёпилиши	9900	9810 9820 9890	Бухгалтерия ҳисоб-китоби

Амалётчи бухгалтерлар учун иккинчи қийинчилик бу солиқ қонунчилиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича меъёрий ҳужжатларга киритилаётган ўзгартиришлардир. Киритилаётган ўзгаришлар шунчалик кўпки амалиётчи бухгалтерлар уларни ўзлаштиришга улгuriша олмаяптилар. 2005 йилнинг ўзида 80 га яқин янги ҳужжат қабул қилинди⁴³.

Киритилаётган ўзгаришлар бевосита олдин қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга, жумладан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва Солиқ Кодексига тегишили ўзгартиришлар киритилишини талаб қиласди. Шунинг учун ҳам Президентимиз томонидан давр талабига жавоб берадиган янги таҳrirдаги Солиқ Кодексини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бизнинг фикримизча, янги таҳrirдаги Солиқ Кодексини ишлаб чиқишда кўпроқ амалиётчилар фикри ҳисобга олинса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, Солиқ Кодексига Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли Қарори билан қабул қилинган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомга ҳам ўзгартиришлар кири-

⁴³ Йиллик ҳисобот – 2005 йил Гадоев Э.Ф., Ҳайдаров Ш.У., Ким Л.А. ва бошталар. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 6-бет.

тиш зарурияти бор. Бизнинг фикримизча, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қароридаги даромад (фойда) солиги бўйича солиққа тортиладиган базани аниқлаш тартиби билан боғлиқ масалаларни Солиқ Кодексининг «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиги» номли II бўлимiga қўшиш мақсадга мувофиқдир. Бу бўлимда алоҳида «Солиқ ҳисоби» моддаси киритилиб, унда «Солиқ ҳисоби»ни юритиш тартиби матн тарзида берилишини таклиф этамиз. Биз томондан берилган таклифларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга киритиш амалиётчи бухгалтерлар, солиқчилар ва солиқ маслаҳатчиларга қулайликлар яратади.

II БОБ. СОЛИҚ ҲИСОБИННИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАРИ

2.1. Солиқ ҳисоби предмети ва объектларининг назарий муаммолари

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан солиқ ҳисоби предметига бозор моделини ўзида акс эттирувчи таърифни бериш назарий аҳамиятга эга.

Солиқ ҳисобининг предмети ва обьектига таъриф беришда умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг предмети ва обьектини эволюцион ривожланиш тарихидан келиб чиқиш керак.

Биз томонимиздан ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бухгалтерия ҳисоби предмети таърифининг аниқ концептуал чегараси йўқ. Масалан: Испан олим Диего дель Кастилло бухгалтерия ҳисоби предмети деб шартномани кўзда тутган. Италиян олим К.Беллини, бухгалтерия ҳисобининг предмети деб, хўжалик жараёнларини тан олган. И.Ф.Шер эса бухгалтерия ҳисобининг предмети деб, рўй берган ички ва ташқи хўжалик, юридик ҳолатларни тан олган¹ ва ҳоказо.

Рус бухгалтери К.И.Арнольд бухгалтерия ҳисобининг предмети деб, «бухгалтериянинг ягона предмети – бу капиталнинг аниқ ва ишончли ўзгариши»ни эътироф этган².

Рус олимлари Астахов В.П., Баканов М.И., Ламыкин И.А., Ульянов И.П., Соколов Я.В., Слепнов И.К., Сидельникова Л.Б., Кондрakov Н.П., Кожинов В.Я., Шеремет А.Д. ва бошқалар бух-

¹ Соколов Я.В. Бухгалтерский учет: от истоков до наших дней. – М. : Аудит, ЮНИТИ, 1999.

² Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета: Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2005. С-122.

галтерия ҳисоби предметига ўзларнинг дарслик, ўқув қўлланма ва монографияларида таъриф беришган бўлиб, фикрлар турлича. Булардан баъзиларига тўхтalamиз. Масалан: В.Я.Кожиновнинг ёзишича: “Бухгалтерия ҳисобнинг предмети – корхоналар ёки жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолияти”³. Бу таъриф умумий берилган бўлиб, мунозарали ҳисобланади.

Л.Б.Сидельникованинг эътироф этишича: “Бозор иқти-
содиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг предмети бўлиб,
индивидуал капиталнинг айланиши ҳисобланади”⁴. Бу таъриф
бозор иқтисодиётига жуда мос бўлиши билан бирга, кам-
чиликлардан ҳам ҳоли эмас. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия
ҳисобининг предмети фақат индивидуал капиталнинг айла-
ниши эмас, балки умуман капиталнинг айланиши бўлиб
ҳисобланади. Ҳудди шундай фикрни рус бухгалтери К.Арнольд
ҳам билдирган эди. Мамлакатимизда ва хорижда чоп этилган
адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки,
бухгалтерия ҳисобининг предметига таъриф турлича берилган.
Шу сабабли ҳар-хил эътиroz ва мунозараларга сабаб бўлмоқда.
К.Б.Уразовнинг бу тўғрисидаги фикрлари бунга яққол мисол-
дир:

«Биринчидан, ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет элда чоп этилган адабиётларда ҳозиргача муаллифларни бухгалтерия ҳисобининг, шунингдек унинг таркибий қисмлари сифатида тан олинган молиявий бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув бухгалтерия ҳисобининг предмети ва обьектларининг таърифи, таснифи ва тавсифини беришда ҳамжиҳатликка эришилган деб бўлмайди.

Иккинчидан, адабиётларда берилган айрим таърифлар бухгалтерия ҳисобининг, шунингдек унинг таркибий қисмлари бўлган молиявий бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув бухгалтерия ҳисоби предметининг моҳиятини илмий асосда тўлиғича ёритиб бермайди».⁵

³ Кожинов В.Я. Бухгалтеринский и налоговый учет: управления прибылью. – М.: Изд.во «Экзамен», 2005. С – 22.

⁴ Сидельникова Л.Б. Проблемы информационного обеспечения экономической деятельности предприятия. – М. Аудитор, 1997. С – 27.

⁵ Уразов К.Б Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент , «Фан» нашиёти, 2005 й, 67-бет

Баъзи адабиётларда бухгалтерия ҳисоби предмети билан бухгалтерия ҳисоби фанининг предмети чалкаштирилган.⁶

К.Б.Уразов ўзининг «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари» номли монографиясида бухгалтерия ҳисоби, молиявий ва бошқарув ҳисоблари предметига қуидагича таърифлар берган:

«Бухгалтерия ҳисобининг предмети бўлиб турли мулк шаклидаги иқтисодий субъектларнинг умумхўжалик фаолиятини ташкил қилувчи жараёнлар, операциялар ва уларнинг натижалари, шунингдек ушбу фаолиятни узлуксиз юритилишини таъминловчи активлар ва уларнинг шаклланиш манбаларининг холати ва ҳаракати ҳисобланади.

Молиявий бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда турли мулк шаклидаги иқтисодий субъектларнинг ташкил ва ички ахборот фойдаланувчилар томонидан назорат қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш объектлари ҳисобланган умумхўжалик фаолияти ва унинг натижаларини миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлар тизими, шунингдек уларнинг моддий ва молиявий ресурслари турлари ва шаклланиш манбаларининг ҳолати ва ҳаракати тушунилади.

Бошқарув бухгалтерия ҳисобининг предмети деганда турли мулк шаклидаги иқтисодий субъектларнинг ички ахборот фойдаланувчилари томонидан назорат қилиш ва бошқарув қарорларини қабул қилиш объектлари ҳисобланган жавобгарлик марказларида юз берган ва бераётган хўжалик жараёнлари ва операциялар, эришилган натижалар, шунингдек уларнинг моддий ва молиявий ресурслардан самарали фойдаланилаётганилигини миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифловчи кўрсаткичлар тизими тушунилади».⁷

Бу таърифлар ҳозирги бозор иқтисодиётига мос бўлган таърифлар бўлиб, бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисми бўлган молиявий ҳамда бошқарув ҳисобларига комплекс равишда берилган. Лекин, бизнинг фикримизча, субъектларнинг

⁶ Санаев Н ва бошқалар Бухгалтерия ҳисоби асослари. Тошкент: Шарқ 2005. 20-29- бетлар.

⁷ Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 68-бет

умумий хўжалик фаолиятини фақат жараёнлар, операциялар ва унинг натижалари ташкил қылмайди. Шунингдек «жараёнлар» ва «операциялар» тушунчалари бир хил маънони англатади.

Энди бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган солиқ ҳисобининг предмети тўғрисида фикр юритсак. Чунки, бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан солиқ ҳисоби назариясининг асосий масалаларидан бири бу – унинг предметидир. Бу масала доимо долзарб бўлиб келган.

Солиқ ҳисоби предметига таъриф беришнинг долзарблиги яна шундаки, республикамизда чоп этилган иқтисодий адабиётларда⁸ бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоб, бошқарув ҳисоблари предметига таъриф берилган бўлиб, солиқ ҳисоби предмети таърифланмаган.

Шунинг учун солиқ ҳисобининг предметига таъриф бериш учун асосан Россиялик иқтисодчиларнинг фикрларини таҳлил қилдик.

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-бобида солиқ ҳисоби, солиқ ҳисобининг мақсади, обьектлари, регистрлари, счёtlар режаси ва солиқ ҳисобининг асосий тамойиллари ҳақида тушунчалар берилган бўлсада, солиқ ҳисоби предметининг таърифи берилмаган.⁹

И.В.Кальницкаянинг ёзишича: «Солиқ ҳисобининг предмети – бу умумлашган ҳолда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш бўлмаган фаолияти бўлиб, бунинг натижасида

⁸ 1) Бобожонов О., Жуманиёзов. Молиявий ҳисоб. Тошкент: Молия, 2002. 672-бет.

2) Санаев Н., Хасанов Б., Ташлаев А., Санаев Ф. Бухгалтерия ҳисоби асослари. Тошкент: Шарқ, 2005. 110-бет.

3) Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубиёт. Тошкент: Молия, 2003. 248-бет.

4) Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. Бухгалтерия ҳисоби. -Тошкент. Меҳнат, 1999. 262-бет.

5) Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. –Тошкент: Академия, 2002. 176- бет.

6) Уразов К.Б. Иқтисодиёни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 236- бет.

7)Хасанов Б., Ҳошимов А. Бошқарув ҳисоби. Тошкент: Иқтисод-Молия, 2005. 308-бет.

⁹ Глава 25 налогового кодекса РФ М.: Вершина, 2005. С-248

солиқ тұловчиларнинг солиқни ҳисоблаш ва тұлаш бүйича мажбuriyati, яғни солиққа тортишнинг объектлари келиб чиқади».¹⁰

В.Я.Кожиновнинг эътироф этишича: «Тұлиқ ажралған солиқ ҳисобининг предмети бўлиб, корхоналар ёки жисмоний шахсларнинг хўжалик фаолияти ҳисобланади. Бунда ҳам бухгалтерия ҳисобидек хўжалик маблаглари акс эттирилади».¹¹

И.В.Кальницкая ҳам, В.Я.Кожинов ҳам солиқ ҳисобининг предмети деб корхоналарнинг хўжалик фаолиятини ҳисоблашмоқда.

Бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобининг предметига таъриф беришда ҳисоб ва солиққа тортиш назарияси нуқтаи назаридан келиб чиқиши керак. Солиқ ҳисоби предметининг таърифида ҳисоб ва солиққа тортиш назариясининг асосий тамойиллари ўз аксини топиши зарур. Юқоридагилардан келиб чиқиб солиқ ҳисобининг предметига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

Солиқ ҳисобининг предмети деганда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг хўжалик фаолиятини юритиши асосида солиқлар ва мажбурий тұловлар бүйича келиб чиқадиган мажбуриятлари тушунилади.

Бу таърифдан кўриниб турибдик, бухгалтерия ҳисобининг предмети солиқ ҳисоби предметига нисбатан кенг тушунча бўлиб, солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисоби предметининг таркибига киради ва унинг моҳиятини янада аниқлаштиради.

Солиқ ҳисоби ўзининг обьекти ва субъектига эга.

Солиқ ҳисобининг субъекти бўлиб солиқ тұловчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-боби 246 ва 346-моддаларига асоосан солиқ ҳисобининг субъектларига қўйидагилар киратилган:

- юридик шахслар шу жумладан кичик корхоналар;
- хорижий компаниялар ва қўшма корхоналар;
- якка тартибда фаолият кўрсатадиган тадбиркорлар.¹²

¹⁰ Кальницкая И.В. Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия. Диссертация на соискание степени к.э.н. – СПБ, 2001. С-48.

¹¹ Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговый учет: управление прибылью. – М.: Изд.во «Экзамен», 2005. С-32.

¹² Глава 25 налогового кодекса РФ М.: Вершина, 2005. С-7.

Солиқ ҳисобининг объектларини аниқлашда бевосита бухгалтерия ҳисобининг обьектига мурожаат қилишимиз керак. Чунки бухгалтерия ҳисобининг обьектлари молиявий, бошқарув ва солиқ ҳисоблари обьектининг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг 4-моддасида «Бухгалтерия ҳисоби обьектлари. Асосий ва жорий активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, захиралар, даромадлар ва харажатлар, фойда, зарарлар ҳамда уларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг обьектларидир»¹³ деб кўрсатилган бўлиб, обьектга таъриф берилмаган.

Шуни қайд этишимиз жоизки, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конун қабул қилинганига 10 йилдан ошди. Бу даврда бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методологик концепцияларида тегишли ўзгаришлар рўй берди. Бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисми бўлган «Солиқ ҳисоби» пайдо бўлди. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига тегишли ўзгартишлар киритишни талаб қилмоқда. Худди шу жараёнда бухгалтерия ҳисоби обьектларини янада аниқлаштириш ҳамда моддалар мазмунини таҳририй жиҳатдан қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Солиқ ҳисоби обьектларини аниқлаш учун яна меъёрий хужжатларга ва иқтисодий адабиётларга мурожаат қиласиз.

Россия Федерацияси солиқлар ва йиғимлар вазирлигининг 2002 йил 26 февралдаги буйруги билан тасдиқланган (БП-3-02/98) “Россия Федерацияси солиқ кодексининг 2-қисми “Корхона фойдасидан солиқ” 25-бобини қўллаш бўйича услубий тавсиясида солиқ ҳисоби обьекти қўйидагича ёзилган:

“Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-бобини қўллаш мақсадида солиқ ҳисоби обьекти деганда, ҳисобот даврида ҳисобланган, даромад тўғрисидаги маълумотларни ўзда акс эттирувчи кўрсаткичларни шаклланиши, шунингдек ҳисобот даврида ҳисобланган ва тан олинган харажатлар таркибиغا кирувчи келгуси давр харажатлари, мулклардан амартизация

¹³ Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни 1996 йил 30 август.

қийматлари ва ҳоказо харажатлар түғрисидаги маълумотлар тушилади”¹⁴.

Профессор Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар солиқ ҳисоби объектига қуйидагича таъриф беришган: “Солиқ ҳисоби объектлари - бу мулклар, мажбуриятлар ва хўжалик операциялари бўлиб, улар қийматининг баҳоси орқали жорий ҳисобот солиқ даври ёки келгусик даврларда солиққа тортиш баъзасининг миқдорини аниқлашдир”¹⁵. Бу иқтисодчилар ўзларининг таърифларида фойда, даромад, харажатларни солиқ ҳисобининг объект сифатида эътироф этишмаган.

Н.А.Травкина солиқ ҳисобининг объекти деб “товар (иш, хизмат)ларни сотиш операциялари, сотилган товарлар қиймати;

- фойда, даромадлар, харажатлар;
- корхона мулклари”ни ҳисоблайди¹⁶.

И.В.Кальницкая солиқ ҳисобининг объектларига қуйидагиларни киритган:

- «- товарлар (иш, хизмат)ни сотиш операциялари;
- юридик ва жисмоний шахслар мулки;
- фойда;
- даромад;
- сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) қиймати;
- Солиқ Кодекси билан белгиланган бошқа объектлар»¹⁷.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, солиқ ҳисобининг объектига қуйидагича таъриф бериш мумкин:

«Корхоналарда рўй берган хўжалик операциялари, активлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, даромадлар, харажатлар ва фойда солиқ ҳисобининг объектларидир».

¹⁴ Методические рекомендации по применению главы 25 “ Налог на прибыль организаций”, части второй Налогового кодекса Российской Федерации. 2002г. 26 февраль статья -313.

¹⁵ Сидельникова Л.Б , Назарян Е.Н. Налоговый учет и учетная политика организаций для целей налогообложения. – М.: Омега – Л., 2002. С-64.

¹⁶ Травкина Н.А. Бухгалтерский учет и налоговый учет : состояние и пути развития. – М.: Компания Спутник, 2004. – С.13.

¹⁷ Кальницкая И.В. Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия. Дессертация на соискание степени к.э.н. – СПБ, 2001. С-64.

Эътироф этилганлардан кўриниб турибдики, бухгалтерия ҳисоби методологиясида ҳисобнинг предмети ва обьекти категорияларига бир хил таъриф берилмаган, ҳисоб обьектларининг илмий асосланган таснифи бериш охирига етказилган эмас. Буларнинг барчаси ҳисоб обьектининг назарий концепциясига кенг маънодаги қараашлар билан бирга, уларнинг ҳар хиллигидан далолат беради.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан солиқ ҳисобининг предмети ва обьектининг назарий масалалари доимо долзарблiglicha қолаверади. Бу назарий масалаларнинг долзарблigliчи солиқ ҳисоби методи ва методологиясининг асосий тамойилларини таҳдил қилгани миздан сўнг янада уйғунлашади.

2.2. Солиқ ҳисоби методи ва методологиясининг асосий тамойиллари

Ҳисоб назариясида унинг тамойиллари муҳим ўрин эгалайди. Чунки тамойиллар ҳисоб методологиясининг асоси ва негизи бўлиб ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисоби методологиясининг асосий мақсади ҳам умумий ҳисоб тамойилларини ишлаб чиқишидир. Бу ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида яна долзарб бўлиб қолмоқда. Бу назарий масалани ўта муҳимлигини К.Б.Уразов қўйидагича эътироф этган:

«Биринчидан, республикамида бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига қонун ҳужжатлари билан ҳуқуқий мақом берилди. Жумладан, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда маҳсус «Бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари» номли б-модда кўзда тутилди. Ушбу модда бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойиллари сифатида қўйидаги 11 та тамойил эътироф этилди: 1) бухгалтерия ҳисобини икки ёқлама ёзув услида юритиш; 2) узлуксизлик; 3) хўжалик операциялари, актив ва пассивларнинг пулда баҳоланиши; 4) аниқлилик; 5) ҳисоблаш; 6) одинданд кўра билиш (эҳтиёткорлик); 7) мазмуннинг шаклдан устунлиги; 8) кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги; 9) молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги; 10) ҳисбот даври даромадлари ва

харажатларининг мувофиқлиги; 11) активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши.

Иккинчидан, «Модиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос»да тамойиллар бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларини белгилаб берувчи элементлардан бири сифатида тавсифланади ва уларнинг сени 17 тага етказилди. Ушбу меъерий ҳужжатда тамойиллар таркибига қонунда кўрсатилган тамойиллардан ташқари яна қуидаги тамойиллар ҳам киритилди: 12) тўшунарлилик; 13) муҳимлилик; 14) ҳаққоний ва ҳолис акс эттириш; 15) якунланганлик; 16) кетма-кетлик; 17) ўз вақтидалилик.

Учинчидан, 1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да биринчи марта «Молия ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун асос бўлувчи тамойиллар» бўлими кўзда тутилиб, унга 19 та тамойиллар (юқорида санаб берилғанлардан ташқари яна иккита – офестинг ва ҳаққонийлик тамойиллари) киритилди.

Тўртинчидан, республикамизда чоп этилган дарслик, ўқув ва амалий қўлланмаларда маҳсус «Бухгалтерия ҳисоби тамойиллари» номли бўлимлар пайдо бўлди ва уларда ушбу тамойилларнинг моҳияти, қўлланилиш тартиблари ёритилди. Собиқ совет давридаги адабиётларда бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг назарий асосларига етарлича эътибор берилмас эди¹⁸.

Ҳақиқатдан ҳам кейинги вақтда бухгалтерия ҳисоби тамойилларининг назарий масалаларига меъерий ҳужжатларда алоҳида эътибор берилмоқда. Лекин солиқ ҳисоби тамойиллари адабиётларда ёритилмаган ва кам тадқиқот қилинган назарий масала бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам солиқ ҳисобининг тамойилларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Бухгалтерия ҳисобининг тамойиллари солиқ ҳисоби учун ҳам умумий тамойиллар бўлиб, уларга асослангандир. Шунинг учун ҳам бухгалтерия ҳисоби тамойилларини эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

¹⁸ Урезов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари. Тошкент: Фан, 2005. 118-119- бетлар.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасида қўйидаги тамойиллар акс этирилган: «Бухгалтерия ҳисобининг асосий қоидалари қўйидагилардир:

- бухгалтерия ҳисобининг икки ёқлама ёзув усулида юритиш;
- узлуксизлик;
- хўжалик операциялари, активлар ва пассивларнинг пулда баҳоланиши;
- аниқлик;
- ҳисоблаш;
- олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик);
- мазмуннинг шаклдан устунлиги;
- кўрсаткичларнинг қиёсланувчанлиги;
- молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги;
- ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги;
- активлар ва мажбуриятларнинг баҳолиниши»¹⁹.

«Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишининг концептуал (тамойил) асослари» О-БҲМС да қўйидаги тамойиллар келтирилган:

«Тамойиллар

- Ҳисоблаш;
- Икки ёқлама қайд этиш усули билан ҳисоб юритиш;
- Узлуксизлик;
- Хўжалик муомалалари, активлар ва пассивларни баҳолаш;
- Ишончилилик;
- Эҳтиёткорлик (консерватизм);
- Мазмунни шаклдан устунлиги;
- Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги;
- Бетарафлик;
- Ҳисобот даври даромадлари билан харажатларининг мувофиқлиги;
- Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси;
- Тушунарлилик;
- Аҳамиятлилик;

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддаси.

- Мұхумлилик;
- Ҳаққоний ва ҳолис тақдим;
- Тугалланғанлық;
- Изчиллик;
- Ўз вақтида тақдим этиш»²⁰.

«Бухгалтерия ҳисоби тұғрисида»ғи Қонунда «қоидалар» деб әндириф этилған бўлса, Қ-БХМСда эса тамойиллар деб ёзилган. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатларда «тамойиллар» деб ёзилса, мақсаддага мувофиқ бўлади.

Тамойилар йигиндиси ҳисоб концепциясини ташкил қиласи. Шунга асосланган ҳолда солиқ ҳисоби концепциясига таъриф берамиз.

Солиқ ҳисобининг концепцияси – бу солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисботини тузишнинг асосий назарий тамойиллари мажмуасидир. Бу таърифдан келиб чиқиб, концепция элементлари бўлиб солиқ ҳисобининг тамойилари ҳисобланади деган кулоса қилишимиз мумкин.

Ҳар қандай ҳисоб тури ёки ҳисобнинг қуи тизимиdek, солиқ ҳисобининг ҳам ўзига хос бўлган тамойиллари мавжуд. Солиқ ҳисобининг тамойиллари тұғрисида ҳам олимлар турли фикрларни билдиришган ва тамойиллар мазмун ва сон жиҳатидан ҳам фарқ қиласи. Масалан, В.Я.Кожинов: “Агар солиқ ҳисоби ахборот контурида мустақил қуи тизим тури сифатида шаклланган бўлса, умумий тамойиллардан ташқари, у ўзининг қуидаги маҳсус тамойилларига асосланган бўлиши керак”²¹, деган фикрни билдириб, солиқ ҳисобининг тамойиллари ни санаб ўтади ва қисқача ҳар бир тамойилга тушунтириш бериб кетади. В.Я.Кожинов солиқ ҳисобининг маҳсус тамойиллари таркибиغا қуйдагиларни киритган:

Алоҳидалик (автономия) тамойили;

Универсаллик тамойили;

Назорат қилувчанлик тамойили;

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг Миллий стандартлари. Тошкент, 2004. 7-бет.

²¹ Кожинов В.Я. Бухгалтерский счёт и налоговый учет: управление прибылью. М.: Изд. «Экзамен», 2005. С-44.

Комплекслилик тамойили;
Глобаллилик тамойили²².

Е.В.Крейнина ҳам ўзининг тадқиқотларида солиқ ҳисобининг қуидаги тамойилларини қайд этган:

«- ўзига хослик тамойили;
- қонунлар билан мустаҳкамланганлик тамойили ;
- доимийлик тамойили»²³

И.В.Кальницкая ўзининг илмий тадқиқотларига асосланиб, солиқ ҳисоби тамойиллари таркибиға қуидагиларни киритган:

-ўзига хослик (исключительность);
- солиқ бўйича мажбуриятларни тан олиш;
- объективлилик;
- мувофиқлик;
- бўлингандлик;
- бажарувчанлик;
- солиқ календарини юритиш ва риоя қилиш;
- кетма-кетлик²⁴.

К.А.Иванов солиқ ҳисобининг тамойиллари деб қуидагиларни эътироф этган:

- корхона мулкини яхлитлилиги;
- даврийлилик;
- пулда ўлчаш;
-қўллашнинг кетма-кетлиги;
- узлуксизлик;
-ҳисоблаш;
-даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлиги;
-ҳужжатлар билан тасдиқланганлик²⁵.

Россия Федерацияси солиқ кодекси 25-бобининг 246, 285, 274, 313, 314, 271, 272-моддаларида ҳам солиқ ҳисобининг юқорида эътироф этилган тамойиллари ўз аксини топган.²⁶

²² Ўша асар С. – 44-45.

²³ Крейнина Е.В. Интеракции бухгалтерского учета и налоговой системы. Дисс.на соискание степени К.Э.Н.- СПБ.,-1996. С-116

²⁴ Кальницкая И.В Бухгалтерский учет и налогообложение: проблемы взаимодействия». Дисс. на соискание степени К.Э.Н.- СПБ., 2001. С-63.

²⁵ Иванов К.А. Налоговой учёт и контроль расчётов на контроль в производственных организациях. Автореферат. М, 2004.

²⁶ Глава 25 Налогового Кодекса Р.Ф. – М.: Вершина, 2005.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг умумий тамойиллари билан бирга ўзининг маҳсус тамойилларига асосланған ҳолда олиб борилади, деган холосага келишимиз мүмкин. Шунингдек, солиқ ҳисоби тамойилларини солиққа тортишнинг ва бухгалтерия ҳисобининг тамойилларига асосланған ҳолда ишлаб чиқиш керак. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, умумийлик билан бир қаторда солиқ ҳисоби тамойиллари бухгалтерия ҳисоби тамойилларидан фарқ қиласади. Энг асосий фарқ, агар бухгалтерия ҳисоби икки ёқлама ёзув тамойилларига асосан балансни шакллантирса, солиқ ҳисоби эса бир томонлама ёзувларга асосланади.

Эътироф этилганлардан келиб чиқсан ҳолда солиқ ҳисоби тамойилига қуидагича таъриф бериш мүмкин:

Солиқ ҳисоби тамойиллари – бу солиқ ҳисобини юритишининг методологияси асосини ташкил этувчи қоидалар тизимиdir.

Солиқ ҳисоби предмети ва тамойилларининг ўзига хослиги унинг методини ҳам аниқлашга имкон яратади. Бевосита метод ва усууллар ёрдамида солиқ ҳисобининг обьекти ўрганилади. Бизнинг фикримизча, бухгалтерия ҳисобининг, шу жумладан солиқ ҳисобининг методи ва усуулларини аниқлашда бевосита уларнинг мақсади, функцияси, вазифаси ҳамда методологиясини ҳисобга олишимиз керак. Умумий қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида бухгалтерия ҳисобининг методи ва усууллари алоҳида мөддада санаб ўтилмаган ҳамда унинг (методнинг) таърифи берилмаган. Бундан келиб чиқиб «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳририда бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган методи ва усууллари матн тартибда берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Тадқиқот даврида ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, республикамиз олимлари томонидан чоп этилган дарслик, ўкув қўлланма ва монографияларда бухгалтерия ҳисоби, унинг таркибий қисми бўлган молиявий ва бошқарув ҳисоблари методининг назарий масалалари ёритилган бўлсада, солиқ ҳисобининг методи ва усууллари ўрганилмаган ва адабиётларда ўз аксини топмаган.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, чет эл олимлари, шу жумладан россиялик олимлар ўзларининг китобларида солиқ ҳисобининг методига таъриф беришган, ҳамда усулларининг баъзи жиҳатларини ёритишган. Масалан, А.В.Авдеевнинг эътироф этишича:

«...солиқ ҳисобининг методи – бу концептуал қайта куришнинг ҳар хил усуллар мажмуаси бўлиб, улар ёрдамида солиққа тортишининг талаблари асосида солиққа тортиш базасини шакллантириш жараёнида молиявий ҳисоб обьектларининг трансфармацияси содир бўлади»²⁷. Бу билан А.В.Авдеев солиқ ҳисобининг методига таъриф беришда солиққа тортиш базасини аниқлашда қўлланиладиган усулларни кўзда тутган.

В.Я.Кожиновнинг ёзишича: «Солиқ ҳисобининг методи, яъни ҳисобни юритиш учун қўлланиладиган усуллар мажмуаси, ҳозирги вақтда қаттиқ регламентланмаган (чегараланмаган). Фикримизча у бухгалтерия ҳисоби методи билан мос келади, лекин фарқи шуки солиқ ҳисобида счёт ва икки ёқлама ёзув мажбурий ҳисобланмайди. Бироқ бухгалтерия ҳисоби усулларига қўшимча маҳсус солиқ регистрлари (жадваллар) киритилган бўлиб, улар бевосита солиққа тортиш базаси ва солиқ тўловлари билан боғлиқ бўлган операциялар суммаларини акс эттиради»²⁸.

Бошқа муаллифлар солиқ ҳисобининг методига таъриф бермасада, унинг усулларини ўзининг асар ва тадқиқотларида ёритишган. Жумладан, А.В.Брызгалин, В.Р.Берник, А.Н.Галовкин ва Е.В.Демешевалар бухгалтерия ҳисобининг хужжатлаштириш, инвентаризация, пулда баҳолаш ва калькуляция методларини солиқ ҳисобининг методи деб тан олиш билан бирга, солиқ ҳисобига характерли бўлган методларни ҳам қайд этган. Улар солиқ ҳисобининг методи сифатида маҳсус ҳисоб-солиқ кўрсаткичлари ва тушунчаларини киритишни таклиф этишган²⁹.

²⁷ Авдиев А.В. Системная организация бухгалтерского учета для целей налогообложения. Дисс. на соискание степени. К.Э.Н. Волгоград, 2003. С. – 64.

²⁸ Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговой учет: управления прибылью. М.: Изд. «Экзамен», 2005, С.-35

²⁹ Бризгалин А.В., Берник Б.Р., Галовкин А.Н., Демешева Е.В. Налоговой учёт и налоговая политика предприятия – М.: «Аналитика-Пресс», 1997. С-32

Е.В.Крейнина эса солиқ ҳисобининг маҳсус методлари сифатида конъюнктура корректировка, ҳисоблаш ва касса методи, солиқта тортиши мақсадида умумқабул қилинганди низомларни интерпретация методи, солиқ дисконтини белгилаш, маҳсус солиқ регистрлари ва хужжатларни ўрнатиш ҳамда паспорт – кадастри методларини эътироф этган³⁰.

Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар солиқ ҳисобининг методи сифатида счёtlарни келтирган бўлса³¹, В.Я.Кожинов «Тўла масштабдаги солиқ ҳисоби счёtlар ва икки ёқлама ёзувни мажбурий равишда қўллаш асосида тузилади»,³² деб эътироф этган.

Солиқ ҳисобининг счёtlари режаси ва уларни қўллаш методикаси бўйича ҳам қарашлар ҳар хил. И.В.Педченко, Л.Б.Сидельникова, Е.Н.Назарян, С.А.Харитоновалар учта рақамдан иборат счёtlар режасини амалиётда қўллашни таклиф қилсалар, В.Я.Кожинов эса молиявий бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидан фойдаланган ҳолда солиқ ҳисобини олиб боришни таклиф қилган. В.Я.Кожиновнинг фикрича, корхоналар солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқишида ишчи счёtlар режаси тушиб, ундан фойдаланиш самара бериши ва бухгалтерларга қийинчилик тутдирмаслигини эътироф этган.

Л.Б.Сидельникова ва Э.Н. Назарянлар солиқ ҳисоби счёtlарини балансдан ташқари счёtlардек бир томонлама ёзув усулида олиб боришни таклиф этиб, икки ёқлама ёзув усулини инкор этишган бўлса, В.Я.Кожинов хўжалик жараёнларини счёtlарда икки ёқлама ёзув усулида акс эттирган. Масалан:³³

Бундан келиб чиқиб бизнинг фикиримизча, республикамизда солиқ ҳисобини ташкил этишнинг бошланғич босқичида молиявий бухгалтерия ҳисоби счёtlар режасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

³⁰ Крейнина Е.В. Интеракции бухгалтерского учёта и налоговой системы. Дисс. на соискание степени К.Э.Н-СПб-1996. С-121,129.

³¹ Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговой учёт и учётная политика организаций для целей налогообложения. – М.: Омега – Л., 2002. С-92.

³² Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговой учёт: управление прибылью. М.: Изд. «Экзамен», 2005. С-36

³³ Кожинов В.Я. Бухгалтерский и налоговой учёт: управление прибылью. М.: Изд. «Экзамен», 2005. С. – 315-320.

№	Хўжалик операцияларининг мазмунни	Дебит	Кредит	сумма
22	Цехнинг асосий ишчилари иш ҳақидан даромад солиги ушланди	70	68	1.02 минг сўм
68	Солиқлар бюджетга тўланди	68	51	8.12 минг сўм

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда солиқ ҳисобининг методи умум қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг методи ва усулларига асосланишдан ташқари ўзининг маҳсус метод ва усулларига эга экан, деган хуоса қилишимиз мумкин.

Таҳлиллар натижаси асосида солиқ ҳисобининг методига таъриф беришга ҳаракат қиласиз:

Солиқ ҳисобининг методи – бу хўжалик юритувчи субъектларининг хўжалик операциялари, активлари, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича мажбуриятлар, даромад, ҳаражат ва фойда кўрсаткичларини акс эттирувчи усуллар мажмуусидир.

Шундай қилиб, солиқ ҳисобининг тамоиллари ва методини белгилаб олдик. Тамоиллар ва методда асосланган ҳолда солиқ ҳисобини олиб бориш методологиясининг назарий муаммоларини ечишга ҳаракат қиласиз.

Солиқ ҳисобини олиб бориш методикаси бўйича ҳам мутаҳассисларнинг фикрлари ҳар хил. С.А.Николаеванинг фикрича, солиқ ҳисобини юритишни 3 поғонали стандартлар асосида ташкил этиш мумкин:

«Биринчи поғона стандарти «Солиқ ҳисботини юритиш тизими» деб аталиб, унинг асосида «солиқ ҳисобини юритиш тизимининг тартиби ва концептуал асоси» белгиланади.

Иккинчи поғона стандартларда ҳар бир солиқнинг аниқ турни ва солиқ ҳисоби жараёнлари ва солиқ ҳисоби бўйича солиқ ҳисобини юритиш тартиби, ҳамда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларининг ўзаро боғлиқлиги белгиланади. Солиқ ҳисобини ҳисоб сиёсати иккинчи поғона стандарти ҳисобланади.

Учинчи погона стандартлари бўлиб солиқ ҳисобини олиб борувчилар ишларини аниқлаштирувчи ва тартибга солувчи низомлар ва йўриқномалар ҳисобланади»³⁴. С.А.Николаева томонидан таклиф қилинган «солиқ ҳисобини стандартлар асосида юритиш» таклифини, солиқ ҳисобини автоном ҳолда олиб бораётган корхоналарда қўллаш мумкин бўлади. Бошқа ҳолатларда солиқ ҳисобини юритиш тартиби корхоналарнинг ҳисоб сиёсати билан тартибга солиниши мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

К.А.Ивановнинг фикрича: «Солиқ тўловчилар солиқ ҳисобини ташкил этишда солиқ ҳисобининг қўйидаги моделларидан бирини танлаш ҳукуқига эга:

1. Махсус солиқ ҳисоби;
2. Аралаш ҳолдаги солиқ ҳисоби»³⁵.

А.В.Авдеев солиқ ҳисобини юртишнинг қўйидаги учта асосий назарий моделларини таклиф этган:

«1. Ҳисобни бухгалтерия ҳисоби қоидалари билан юритиш ва унинг маълумотлари асосида солиқ ҳисоби маълумотларини олиш.

2. Ҳисобни солиқ ҳисоби қоидалари билан юритиш ва унинг маълумотлари асосида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини олиш.

3. Параллел ҳолда бухгалтерия ва солиқ ҳисобларини юритиш»³⁶.

Бизнинг фикримизча, Республикамиз амалётида ҳозирча биринчи моделни қўллаш мақсадга мувофиқ. Солиқ ҳисобининг ҳуқукий ва меъёрий ҳужжатлари қабул қилингандан кейин учинчи моделни амалиётга тадбиқ қилиш мумкин бўлади.

Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар солиқ ҳисобини юртишнинг қўйидаги вариантларини таклиф этишган:

³⁴ Николаева С.А Налоговый учёт в 2002 году: учётная политика для целей налогообложения. – М.: «Ан-Пресс», 2002. С.-18.

³⁵ Иванов К.А. Налоговой учёт и контроль расчётов по налогу на прибыль в производственных организациях. Дисс.на соискание ученой степени К.Э.Н. М., 2004.С.40.

³⁶ Авдеев А.Б. Системная организация бухгалтерского учета для целей налогообложения. Дисс. на соискание ученой степени К.Э.Н. Волгоград, 2003. С.64.

«Бухгалтерия ҳисобини юритиш билан бирга автоном (параллел) ҳолда солиқ ҳисобини юритиш;

солиқ ва бухгалтерия ҳисобларини интеграция ҳолда юритиш»³⁷. Муаллифлар ўз фикрларини давом эттириб, биринчи вариантини амалиётга тадбиқ этиш учун солиқ ҳисобининг маҳсус аналитик регистрларини ишлаб чиқаришни эътироф этишган³⁸.

Россия Федерацияси Солиқлар ва йигимлар Вазирлигининг 2002 йил 26 февралдаги БП-3-02/98 сонли буйруғи билан тасдиқланган. «Россия Федерацияси Солиқ кодексини 25-боби «Корхона фойдасидан солиқ» 2-қисмини кўллаш бўйича услубий тавсияси ҳамда Солиқ Кодексининг 314-моддасида солиқ ҳисобининг аналитик регистрларига таъриф берилган:

«Солиқ ҳисобининг аналитик регистрлари - ушбу боб талабларига мос равишда, бухгалтерия ҳисоби счётларига тақсимланмаган (акс эттирилмаган) ҳолда ҳисоб давридаги солиқ ҳисоби маълумотларини гуруҳлаштирилган, тизмлаштирилган йиғма шаклларидир»³⁹.

Ушбу ҳукукий-меъёрий ҳужжатларда аналитик регистрлар солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиши ва ҳисоб сиёсатига илова қилиниши қайд эттирилган.

К.А.Ивановнинг эътироф этишича: Россия Федерацияси Солиқлари ва йигимлар Вазирлигининг 2001 йил 19 декабрдаги «Солиқ ҳисобини тизими тўғрисида»ги ахборот хабарномасида солиқ ҳисобининг 51 та регистри акс этилган бўлиб, уларни шартли равишда 5 та гуруҳга бўлган:

1. Оралиқ ҳисоб-китоб регистрлари;
2. Солиқ ҳисоби бирлиги ҳолатини ҳисобга олувчи регистрлар;
3. Хўжалик операцияларини ҳисобга олувчи регистрлар;
4. Ҳисобот маълумотларини шакиллантирувчи регистрлар;

³⁷ Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Комментарии к регистрам налогового учёта. – М.: Омега-Л., 2003. С.6.

³⁸ Там же. С. 6

³⁹ Глава 25 Налогового Кодекса РФ. Статья 314. – М.: Россия. 2005. С – 178 - 179

5. Тижорат бўлмаган қорхоналарни мақсадли маблағларини ҳисобга олувчи регистрлар.⁴⁰

Бундан келиб чиқиб, солик тўловчилар солик ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш учун зарур бўлган солик ҳисоби маълумотлари билан таъминлашга керак бўладиган регистрлар мустақил ҳолда ишлаб чиқади ҳамда юритилади деган хулоса қилишимиз мумкин. Бу эса ҳозирги иқтисодиётни эркинлаштириш шароитига мос келмайди. Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг тегишли бошқармалари томонидан ягона шаклдаги регистрларни ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Биз ушбу параграфда солик ҳисобининг концепцияси, таъмийлари, метод ва унинг элементлари, солик ҳисобини юритишнинг моделлари, солик ҳисобининг регистрлари тўғрисида фикр юритдик. Хўжалик юритувчи субъектлар солик ҳисобини ташкил этиш, уни юритишнинг методикаси, фойдаланиладиган ишчи счёtlар режаси, регистрларни ўзгаришининг солик ҳисоби сиёсатида аниқ кўrsатадилар.

2.3. Солик ҳисоби сиёсати

Республикамида қабул қилинган ҳукуқий-меъёрий ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобни, шу жумладан солик ҳисобини юритишни ташкил қилиш мақсадида «ҳисоб сиёсати»ни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунда ҳисоб сиёсатида ўз аксини топмаган. Ўзбекистон Республикаси 1-сонли бухгалтерия ҳисоби миллӣ стандарти (БХМС)да ҳисоб сиёсатига қуйидагича таъриф берилган: «ҳисоб юритиш сиёсати деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий

⁴⁰ Иванов К.А. Налоговой учёт и контроль расчётов по налогу на прибыль в производственных организациях. Дисс. на соискание степени К.Э.н. М., - 2004.С - 46.

хисоботларни тузиш асослари ва қоидаларига мос равишида усулларининг қўлланилиши тушунилади»⁴¹.

К.Б.Уразов ҳисоб сиёсатига ҳозирги бозор иқтисодиётiga мос келадиган таъриф берган: «Ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисоботни тузишнинг танланган аниқ қонуний усулларини ўзида мужассамлаштирувчи ва фойдаланувчиларнинг ахборот олиш талабларини тўлиқ қониқтиришга хизмат қилувчи ички меъёрий хужжат тушунилади»⁴².

Республикамизда чоп этилган меъёрий хужжатлар ва адабиётлар⁴³ таҳлили шуни кўрсатдики, буларда «Солиқ ҳисоби сиёсати» ёки «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчалари ўз аксини топмаган. Шундан келиб чиқсан ҳолда «Солиқ ҳисоби сиёсати»нинг моҳиятини очишга ҳамда бу тушунчага таъриф беришга ҳаракат қиласиз.

Россия Федерациясида «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» тушунчаси Солиқ Кодексининг 21-боби «Қўшилган қиймат солиги»ни қўллаш билан пайдо бўлган ва Солиқ Кодексининг 25-боби «Фойдадан солиқ»нинг 254, 261, 267, 307, 313, 314 – моддалари билан янада мустаҳкамланган. Бироқ, бу ҳуқуқий-қонуний хужжатларда ҳам солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатига таъриф берилмаган. Ўрганилган чет эл адабиётлари таҳлили шуни кўрсатдики, жуда кўп

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Тошкент, 2004. 16-бет.

⁴² Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари – Тошкент: Фан, 2005. 151-бет.

⁴³ - Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашириёт уйи, 2003.

- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. 1996 йил 30 август.

- Ўзбекистон Республикаси БХМС. Тошкент, 2004.

- Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Тошкент: «IQTSOD MOLIYA» нашириёти, 2005.

- Уразов К.Б. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобининг концептуал масалалари – Тошкент: Фан, 2005.

- Завалишина И.А. Янгича бухгалтерия ҳисоби - Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 2004.

- Гулямова Ф.Г Самоучителр по бухгалтерскому учёту – Т.: Изд. Дом. «Мир экономики и права» 2004.

иқтисодчилар солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсатини «солиқ ҳисобини юритишнинг корхона томонидан танланган усуллар мажмуасы» деб зътироф этишган. Жумладан: А.В.Брызгалин, В.Р. Берник А.Н.Головкин, Е.В.Демешевалар қуйидагиша таъриф беришган: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда корхснанинг солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ва йигимларни ҳисоблаш қоидаларини танланган усуллар мажмуаси тушунилади»⁴⁴.

Бундан күриниб турибдики, корхона солиқ ҳисобини юритишнинг методологиясини ўзи танлаши, танланган усуллар маълум бир ҳужжат билан мустаҳкамланиши керак.

Л.Б.Сидельникова ва Е.Н.Назарянлар ўзларининг қўлланмасида қуйидагиларни қайд этганлар: «Россия Федерацияси солиқ кодексининг 25-бобини амал қилиши билан «солиқ ҳисоби» тушунчаси пайдо бўлди ва солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати» атамаси ҳуқуқий мустаҳкамланди. Бу билан bogлиq ҳолда корхоналар иккита алоҳида бухгалтерия ва солиқ ҳисоби сиёсатларини тасдиқлаш зарурати туғилди»⁴⁵. Ушбу муаллифлар томонидан солиқ ҳисоби сиёсатига таъриф бермасаларда, бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисоби сиёсатларининг асосий элементлари қиёсий таҳлил қилинган⁴⁶.

Л.И.Куликованинг фикрича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати - - бу ташкилот фаолиятининг хусусияти ва солиқ ҳисобининг бош тамойилларига мос ҳолда фойда солигининг солиқ базасини аниқлайдиган ахборотларни умумлаштирувчи қоида ва методлар мажмуасидир».

М.Л.Пятовнинг қарашича: «Солиққа тортиш мақсади учун ҳисоб сиёсати деганда солиқ тўловчига солиқ қонунчилиги томонидан берилган комплекс имкониятлардан амалга оширилган хўжалик операцияларини солиққа тортиш режимларидан бирини танлаш тушунилади»⁴⁷. Бу фикр билан биз тўлиқ қўшилиша

⁴⁴ Брызгалин А.В., Берник В.Р, Головкин А.Н, Демешова С.В. Налоговой учёт и налоговая политика предприятия. – М.: «Аналитика - Пресс», 1997. С.48

⁴⁵ Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговой учёт и учётная политика организаций для целей налогообложения. М.: Омега – Л., 2002. С-4

⁴⁶ Там же. С- 113-116

⁴⁷ Пятов М.Л. Отражение в учёте задолженности по НДС // Бухгалтерский учёт. -2002. № 4. С.56.

олмаймиз. Чунки, ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва фақат солиқ қонунчилиги томонидан берилган имкониятлардан бири танланмайди, балки солиқ ҳисобини юритиш өа солиқ ҳисобини тузишда қўлланиладиган усуllар ва методлар танланади.

С.Ю.Матвеев солиқ ҳисоби сиёсатига қуидагича таъриф берган: «Корхонанинг солиқ ҳисоби сиёсати деганда солиқ ҳисобини юритиш мақсадида фойда солигини аниқлаш учун хўжалик фаолиятида рўй берган ҳодисаларни бошланғич кузатиш, уларни тан олиш ва қийматда ўлчаш, гурухлаштириш ва умумлаштириш усуllарининг қабул қилинган мажмуаси тушунилади»⁴⁸. С.Ю Матвеевнинг берган таърифи олдингиларга нисбатан кенг ва тўликроқ дейиши мумкин. Бироқ хўжалик юритувчи субъект фақат фойдадан солиқ базасини аниқлаш ва унинг солиқ ҳисобини юритиш учун ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқмайди. Чунки, хўжалик юритувчи субъект бюджетта бошқа солиқлар ва мажбурий тўловлар тўлаши ҳам мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, олимлар ўргасида солиқ ҳисоби сиёсатига таъриф беришда ҳам фикрлар ва терминология хилма хил экан. Бизнинг фикримизча, «Солиқ ҳисоби сиёсати» тушунласини қўллаш мақсадга мувофиқ. Шундан келиб чиқсан ҳолда солиқ ҳисоби сиёсатига қуидагича таъриф бериш мумкин:

«Солиқ ҳисоби сиёсати – бу хўжалик юритувчи субъект томонидан солиқ ҳисобини юритиш ва солиқ ҳисоботини тузиш учун танланган қоида ва усуllар мажмуасидир».

Солиқ ҳисоби сиёсати хўжалик юритувчи субъектлар учун ички меъёрий хужжат бўлиб ҳисобланади.

Солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқишида қуидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

- мулк шакли;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият тури;
- солиқка тортиш тизими ва тўланадиган солиқ турлари;
- корхонанинг моддий техника базаси;
- ҳисоб ходимларининг малакаси ва билим савияси.

⁴⁸ Матвеев С.Ю Организация и ведение налогового учёта.- М.: «Налоговой вестник», 2004.С 4.

С.Ю.Матвеев солиқ ҳисоби сиёсатини шакллантиришда қўйидагилар бўлишини эътироф этган:

- солиқ ҳисобининг ягона счётлар режаси;
- ягона регистрлар тизими;
- ахборотларни йигиш ва назорат қилишнинг ягона автомаштирилган тизими;
- ягона дастурий таъминоти⁴⁹.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият муаллифлар солиқ ҳисоби сиёсатини ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши керак деган фикрдалар. Масалан: Е.А.Нестерованинг ёзишича, солиқ ҳисоби сиёсати солиқ ҳисобининг барча: ташкилий, техник ва услубий аспектларини камраб олиши керак⁵⁰.

О.О.Андрееванинг эътироф этишича: «Ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида солиқ ҳисобининг ташкилий-техник ва услубий аспектлари белгиланиши ва асосланиши зарур»⁵¹. Бундай фикрларни В.Я.Кожинов⁵², В.Н.Журавлев⁵³, Л.Б.Сидельникова⁵⁴, Е.Н.Назарянлар ҳам қўллаб-қувватлашган.

Ф.Ғ.Гуломова⁵⁵ ҳисоб сиёсатини тўртга қисмдан, яъни умумий тартиблар, ҳисоб услубиёти, ҳисоб техникаси ва ҳисобни ташкил этиш қисмларидан иборат бўлишини қайд этади.

Бизнинг фикримиз, солиқ ҳисоби сиёсати учта, яъни, ташкилий, техник ва услубий қисмлардан иборат бўлиши мақсадга

⁴⁹ Матвеев С.Ю. Организация и ведение налогового учёта –М.: «Налоговой вестник», 2004 С.6

⁵⁰ Нестерова Е.А. Организация и методика бухгалтерского и налогового учёта: на предприятие стройиндустрии. Дисс. на соискание степени К.Э.Н. – М., 2003. С.78.

⁵¹ Андреева О.О. Организация налогового учёта на перерабатывающих предприятиях АКП-ного комплекса. Дисс. на соискание степени К.Э.Н. Спб., 2005. С.64.

⁵² Кожинов В.Я. Бухгалтерский учёт: управление прибылью. М.: Изд. во «Экзамен», 2005. С.416.

⁵³ Журавлев В.Н. Первичные документы и регистры налогового учёта. М.: ОООННА «Налог Инфо», ООО «Статус-Кво 97», 2006. С-160.

⁵⁴ Сидельникова Л.Б., Назарян Е.Н. Налоговой учёт и учётная политика организаций для целей налого обложения – М.: Омега – Л., 2002. С-208.

⁵⁵ Гулямова Ф.Г. Самоучитель по бухгалтерскому учёту – Тошкент: Изд. дом. «Мир экономики и права», 2004. С.107-114.

мувофиқдир. Бу түгрисида биз илгари нашр этилган ўқуз қўлланмада⁵⁶ ҳам шундай фикр билдирган эдик. Солиқ ҳисоби сиёсати таркибининг чизма кўриниши (1-чизма).


1-чизмадан кўриниб турибдики, солиқ ҳисоби сиёсатининг ташкилий қисмида хўжалик юритувчи субъектларда солиқ ҳисобини юритишнинг шакли, солиқ ҳисобини олиб борилиш кимга ва қайси бўлинмага юклатилганлиги, бухгалтерия (молиявий) ҳисоби билан солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги ҳамда хужжатлар айланишини ташкил этиш масалалари ўз аксни топган.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг техник қисмида солиқ ҳисобининг модели унинг регистрлари шакли, солиқ ҳисобининг ишчи счётлар режаси, солиқ ҳисоби ахборотларини қайта ишлашнинг технологияси ҳамда бошқа техник масалалар бўлиши керак.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг асосий қисми бўлиб, унинг услубий методологик томони ҳисобланади. Шунинг учун бу қисмга алоҳида ва кенгроқ тўхталишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисмини шакллантиришда бухгалтерия (молиявий) ва солиқ ҳисобининг ўзаро боғлиқ ҳамда уларнинг фарқли томонларини қиёсий таҳлил қилиш зарур. Чунки, ҳисоб сиёсатининг услубий томонлари кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Шу асосда солиқ ҳисоби таомиллари методларини қўллаш ва обьектларни ҳисобга олиш услубиёти ишлаб чиқиласди.


Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисми нималарни ўз ичига олишлигини 2-чизмада акс эттиридик. Бу қисмда даромад ва харажатлар таснифи, уларни тан олиш, мулк ва МТЗ ни баҳолаш усуллари, асосий восита ва номоддий активларни амортизация ажратмасини ҳисоблаш методлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солиққа тортиш базасини аниқлаш ва солиқ ҳисобида акс эттириш методикаси, солиқ ҳисоботини тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш тартиблари кўрсатилади.

⁵⁶ Қурбонов З.Н. Бухгалтерия ҳисоби асослари. Ўқув қўлланма. Фарғона, 2002. 140-бет.



1-чизма. Солиқ ҳисоби сиёсатининг таркибий қисмлари.

Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий қисми



2-чизма. Солиқ ҳисоби сиёсатининг услубий аспекти.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган таркибдаги солиқ ҳисоби сиёсатини амалиётга қўллаш, солиқ ҳисоби ахборотларидан фойдаланувчиларни керакли бўлган маълумотлар билан тўла таъминлаш имконини беради.

2.4. Солиқ бўйича имтиёзлар ҳисоби

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси-даги маърузасида солиқ сиёсати ва солиқ имтиёзлари тўғрисида қуидаги фикрларни билдираш экан: «Солиққа тортиш тизимида қўплимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ қонунчилигининг барқарорлигини таъминлаш, солиқларни ҳисоблаш ва тўлашнинг ошкора, соддалаширилган усуулларини ишлаб чиқиш»⁵⁷ муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, солиқ бўйича имтиёзлар бериш хўжалик юритувчи субъектларни, айниқса кичик бизнес ва фермерликни ривожлантиришда муҳим иқтисодий аҳамият касб этади.

Солиқ имтиёзларини бериш борасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинган ва қабул қилинмоқда. Бунга яққол мисол бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўплимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1 майдаги 74-сонли «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга берилаётган имтиёзларнинг рағбатлантирувчи ролини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ҳисобланади.

Солиқ қонунчилигига асосан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, тўғри ҳисобланиши ва мақсадли йўналтирилишини назорат қилиш солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган.

⁵⁷ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 88 б.

Давлат солиқ қўмитасининг тезкор маълумотларига асосан 2004 йил давомида қўлланилган солиқ имтиёзларининг миқдори 302,7 млрд. сўмни ташкил қиласган.

Солиқ турлари бўйича имтиёзларнинг энг кўп миқдори, яъни 58,4 фоизи қўшилган қиймат солигига, 15,4 фоизи молмулк солигига, 7,8 фоизи даромад(фойда) солигига, 10,7 фоизи ер солигига, 7,7 фоизи эса бошқа солиқ турларига тўғри келмоқда.

Юридик шахслар томонидан фойдаланилган солиқ имтиёзлари миқдори бюджеттага ундирилган солиқ тушумига нисбатан 2003 йил йилда 15,7 фоизни ташкил қиласган бўлса, 2004 йилда бу кўрсаткич 15,4 фоизни ташкил қилди.

2005 йил 24 февралда тасдиқланган «Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низом (Янги таҳрирдаги)га асосан солиқ имтиёзларининг бухгалтерия ҳисоби олиб борилади. Бу низомга асосан хўжалик юритувчи субъектларга солиқлар ва божхона имтиёзлари:

- а) бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан;
- б) бўшаётган маблағларни мақсадли ишлатиш назарда тутилмаган ҳолда берилади.

Бу шартлардан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларининг молиявий ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш керак.

Бўшаётган маблағларни мақсадли вазифаларни бажаришга йўналтириш шарти билан солиқлар имтиёзларининг молиявий ҳисоби 8840-«Мақсадли ишлатиладиган солиқ имтиёзлари» счётида солиқ имтиёзларининг турлари бўйича олиб борилади.

Солиқлар ва божхона имтиёзларини ҳисоблаб ёзаётганда батафсилик ҳисобга олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар счёtlар режасидаги қуйидаги счёtlарни очади:

- а) бюджеттага бўнак тўловларни ҳисобга олиш ҳисоб варажлари (4400) гурӯҳида «Бюджеттага солиқлар ва йигимлар бўйича бўнак тўловлари – солиқлар ва божхона имтиёзлари (турлари бўйича)» счёти;

б) бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олиш ҳисоб ва рақслари (6400) гуруҳида «Бюджетга тўловлар бўйича қарз – солиқлар ва божхона имтиёzlари (турлар бўйича)» счёти;

в) сугурта бўйича ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобвақлари (6500) гуруҳида «Давлат мақсадли жамғармаларга тўловлар – солиқ имтиёzlари (турлар бўйича)» счёти;

г) турли кредиторлардан қарзларни ҳисобга олиш ҳисобвақлари (6900) гуруҳида «Импорт чогида ҚҚС ва акцизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган солиқ имтиёzlари (турлар бўйича)» счёти.

Солиқ имтиёzlари билан боғлиқ ҳўжалик операцияларини счётларда акс эттириш 2-1-жадвалда келтирилган.

Солиқ бўйича имтиёzlар бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади

2-1-жадвал

Т.р.	Хўжалик жараёнларининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
		Дебет	Кредит
1.	Хўжатларга асосан асосий воситалар, ўрнатиладиган ускуналар, номдий активлар ва товар-номдий захиралар қўйматига киритиладиган солиқ суммасига:		
A)	Капитал кўйилмалар	0800	4400 ёки 6400 ёки
B)	Ўрнатилган асбоб-ускуналар	0700	6500
B)	Товар-материал захиралари	1000-2900	6900
2.	Солиқ тўқвючилар учун ҚҚС Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳарид қилинган товар-номдий захираларининг акциз солиги суммасига	4400 ёки 6400 ёки 6500 ёки 6900	6010 6210 6900
3.	Товар-номдий захиралари ҳарид қилинганда ҚҚС ва акциз солигини тўлашдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар суммасига	4400 6400	8840
4.	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинганда ҳисобланган ҚҚС, акциз солиги суммасига	4010; 4120	6410 солиқ турлари бўйича

5.	Хужжатлар асосан ҳисобға қабул қилинадиган, илгари ҳисоблаб ёзилған КҚС ва акпиз солиғи суммаларини ҳисобға киригилганды	6410 солиқ турлари бүйича	4410 солиқ турлари бүйича имтиёзлар
6.	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализация қилинганды КҚС ва акпиз солиғи түловдан озод қилиш натижасида бўшаган маблағлар муссанасига	6410 солиқ турлари бүйича	8840
7.	Солиқлар бўйича имтиёзлар бериши натижасида бўшаган маблағлари асосий воситаларни реконструкция қилишга йўналтирилганды	8840	8530
8.	Бўшаган маблағлар жорий мажбуриятларни (иш ҳақи бўйича) ҳосил бўлишига олиб келадиган жорий харжатларни конгашга йўналтирилганды ва ҳоказолар	8840	6410

Биз бу жадвалда солиқ имтиёзлари билан боғлиқ асосий хўжалик операцияларини акс эттиридик.

Бўшаётган маблағлардан мақсадли фойдалани назарда тутилмаганды солиқ имтиёзлари солиқ турлари бўйича балансдан ташқари счётда олиб борилади. Яъни бухгалтерия ҳисоб «Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари» номли алоҳида балансдан ташқари счётда юритилади. Имтиёз бўйича бўшаган маблағлар «Вақтинчалик солиқлар ва божхона имтиёзлари» счётининг дебетида акс эттирилади.

III БОБ. СОЛИҚ ҲИСОБИННИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ КОНЦЕПЦИЯЛАРИ

3.1. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида солиқ ҳисобининг тутган ўрни

Солиқ ҳисобини ташкил этишда хорижий мамлакатларда солиқ ҳисобининг мавжудлиги ва улар тажрибасини ўрганиши муҳим аҳамиятга эга. Ўрганилган илмий адабиётларда бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш тизими ўртасидаги боғлиқликка асосан, бухгалтерия ҳисобининг икки: “**континентал**” ва “**инглизсаксон**”¹ моделлари эътироф этилган. Бошқа манбаларда ҳисобнинг учинчи - «жанубий америка»² модели ва тўртинчичи - «ислом»³ моделлари қайд этилган. Жумладан: Н.Хахонова бухгалтерия ҳисоби моделларини - ҳисоб тизими модели деб атаган ва қуидагиларни ёзган: «Ҳисоб тизимининг учта модели мавжуд:

британия-америка;
континентал;
жанубий америка».⁴

Н.Н.Хахонова британия-америка модели тамоилиларини ишлаб чиқишида Голландия катта ҳисса қўшганини ҳисобга ол-

¹ Шнейдман Л. Бухгалтерский учет и налогообложение. // Бухгалтерский учет. 1995. №5. С.43.

Агаджанов Г.Ю. Монография. Учет и налогообложение: аспекты взаимодействия. Р.Г.Э.А. -Ростов -н/д, 1999. С.8.

² Кондраков Н.П., Краснова Л.П. Принципы бухгалтерского учета. -М.: ФБК-Пресс 1997. С.127.

³ Малькова Т.Н. Международные бухгалтерские стандарты -Спб,: СПБГУ-ЭФ,1997.С.7.

⁴ Хахонова Н.Н. Реформирование бухгалтерского учёта.-М.:Изд-во «бухгалтерский учёт», 2003.С.21

ган ҳолда, бу моделни **«британия-америка-голландия»**⁵ модели деб атасны таклиф қылган.

Н.С.Гуляев ва Л.Н.Ветровалар бухгалтерия ҳисобининг куйидаги моделларини эътироф этишган:

- 1) инглиз-америка модели;
- 2) континентал модель;
- 3) ислом модели;
- 4) интернационал модели⁶.

Бу моделлар қайси мамлакатларда амал қилиниши ва у ёки бу моделнинг ижобий томонларига тўхталиб ўтамиз.

Континентал модельда бухгалтерия ҳисоби тизими бевосита солиққа тортишнинг тамойиллари, қоидалари асосида шакллашади ва юритилади. Бу модел ташкил қилинганда молиявий бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисоби кўрсаткичлари мос келади. Шунинг учун ҳам адабиётларда «континентал» модел баъзан «солиқ» модели ҳам деб юритилади.

Бухгалтерия ҳисобининг континентал модели асосида миллий ҳисоб тизимини ташкил қылган мамлакатларга Германия, Швеция, Бельгия, Испания, Италия, Франция, Швейцария, Япония ва бошқалар киради. Бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисобининг солиққа тортиш тизимига боғлиқлик даражаси ҳар хил. Германияда бу ҳолат ўта кучли боғланган бўлса, Францияда кучли таъсирда, бошқа мамлакатларда кучсизроқ боғлиқлиқда бўлиб келмоқда.

Континентал моделнинг ижобий томони Г.Ю.Агаджоновнинг фикрича қуйидагилар:

- оддийлик ва ҳисоб методологиясининг ягоналиги (яъни молиявий ҳисобот ягона қоидага асосан тузилади);
- даромад пул келиб тушгандан кейин тан олинади;
- ягона ҳисоб тизими мавжудлигидан икки хил молиявий натижка келиб чиқмайди (акционерлар ва солиқ органлари учун)⁷.

⁵ Там же. С.21

⁶ Гуляев Н.С., Ветрова Л.Н. Основные модули бухгалтерского учета и анализа в зарубежных странах: учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2004. С.7,10.

⁷ Агаджонов Г.Ю. Монография. Вести налогообложения: аспекты взаимодействия. РГЭА-Ростов – н/д.1999. С.8-9.

Бухгалтерия ҳисоби ва солиқка тортишнинг ўзаро боғлиқ-лигининг континентал концепцияси XIX асрда Пруссияда ву жудга келган ва бу қоидага асосан баланс фойдасининг суммаси фойданинг солиқка тортиш базасига тенг бўлиши керак. Бу мөделнинг асосий хусусияти шундан иборатки, бунда молиявий ҳисобот давлат солиқ органлари манфаатини кўзлаб тузилади.

Бухгалтерия ҳисоби нинг «инглизсаксон» ёки «инглиз-амрика» модели, асосан қимматбаҳо қоғозлар бозорлари ривожланган мамлакатларда амал қиласди. Бу модел инвесторлар ва кредиторлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилади. Бу модел амал қилаётган мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби давлат томонидан тартибга солинмайди. Бухгалтерия ҳисоби нинг асосий тамоилилари бухгалтерлар ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилади, давлат органлари шу тамоилиларни тан олади.

Бухгалтерия ҳисобининг «инглизсаксон» модели қуйидаги мамлакатларда амал қиласди: Австралия, Буюк Британия Зимбабве, Истроил, Ҳиндистон, Ирландия, Канада, АҚШ, Покистон ва бошқалар. Бу мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби ва солиқка тортиш тизимлари ўргасида кучсиз боғланиши бор. Баъзи мамлакатларда бу тизимлар ўргасида боғланиш йўқ бўлиб, молиявий ва солиқ ҳисоблари параллел ҳолда юритилади. Масалан: АҚШнинг катта корпорацияларида молиявий ва солиқ ҳисоблари алоҳида олиб борилади. АҚШда бухгалтерия ҳисоби билан солиқ ҳисобининг асосий фарқи амортизация ажратмаларини ҳисоблаш методи ва харажатларни тан олиннидадир. Бунинг асосий мақсади корхонанинг молиявий натижаларини тўғри ва аниқ ҳисоблашдир.

Россия Федерациясида 2002 йилдан бошлаб молиявий, бошқарув ҳисоблари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектлар солиқ ҳисобини ҳам юритмоқда. Бунга асос бўлиб Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-бобига Солиқ ҳисоби, тушунчаларини киритилишидир, яъни ушбу кодекснинг 313-моддаси «солиқ ҳисоби». Умумий тартиблар деб аталади. Ушбу моддага асосан солиқ тўловчилар солиқ ҳисоби тизимлари мустақил равишда ташкил қилишлари зарур. Солиқ ҳисобини юритиш тартиби, солиқ тўловчи томонидан солиқ ҳисоби сиёсатини ишлаб чиқишда ўрнатилади. Бу тўғрисида олдинги бобларда кенгроқ ёритилган.

Иқтисодчи олимлар томонидан нафақат солиқ ҳисоби қайси мамлакатларда амал қилиши, балки солиқ ҳисоби қайси мамлакатларда мавжуд эмаслиги ҳамда унинг сабаблари ҳам ўрганилган. Жумладан, О.Н. Волкованинг ёзишича, Партугалияда солиқ ҳисобининг мавжуд эмаслиги бухгалтерия ҳисобининг юқори даражада солиққа тортиш мақсадига бўйсундирилганлигидадир. Солиқ органлари тўғридан-тўғри ёки билвосита ҳисоб методологиясини шакллантиради. Шу асосида алоҳида солиқ ҳисобини юритишга зарурият бўлмайди⁸.

Я.В. Соколовнинг фикрича, Францияда солиқ ҳисоби мавжуд эмаслиги, Франция бухгалтерия ҳисоби интизомининг ҳуқуқий моҳиятидан, яъни ҳисоб тамойиллағи тўғридан-тўғри тижорат ва солиқ қонунчилигидан келиб чиқади. Корхоналар солиқ бўйича мажбуриятларини аниқлашда бухгалтерия ҳисобида акс эттирилган фойдани корректировка қилиш жадвалини тўлдиради. Шу асосида бухгалтерия ҳисобида аниқланган фойда суммаси билан солиққа тортиш базаси ўртасида фарқ бўлмайди.

С. Қодирхонов ва Ш. Маматқуловларнинг эътироф этишича, Хитой Халқ Республикасида солиқ ҳисобининг мавжуд эмаслиги қўйидагилар билан боғлик. Бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солищ, солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Молиявий ҳисботни тайёрлап ва топширишнинг қатъий тартиби мавжуд. Хитой Халқ Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунида барча корхоналар молиявий ҳисботни маҳсус талабларга биноан тайёрлашлари лозимлиги таъкидланган⁹.

А.В.Холкин ўзининг илмий ишларида Бельгия, Италия, Швейцария мамлакатларида солиқ ҳисобини юритишга зарурият йўқлигини таҳлил қилган ва бунинг сабаби юқорида эътироф этилган сабаблар эканлиги тўғрисида хуносага келган¹⁰.

⁸ Волкова О.Н. Управленческие учет. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2006. С.19.

⁹ Қодирхонов С., Маматқулов Ш. Хитой Халқ Республикасида бухгалтерия ҳисоби, аудиторлигини ташкил қилиш ва кадрлар тайёрлаш хусусиятлари. Тошкент-Андижон, 1992. 8-бет.

¹⁰ Холкин А.В. Взаимосвязь бухгалтерского и налогового учета . Дисс.на соискание степени К.Э.Н. Киров, 2005. С.125.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, турли мамлакатларда бухгалтерия ҳисоби билан солиққа тортиш механизмлари ўртасида боғланиш турлича. Бундан мамлакатлар иқтисодиётида солик ҳисобининг тутган ўрни ҳар хил бўлиб, улар тажрибасини ўрганиб, мамлакатимиз бухгалтерия ҳисоби ва солик сиёсатини тақомиллаштиришда фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқшимиз зарур бўлади.

3.2. Солик ҳисобининг ташкъл этишининг хориж тажрибаси ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш концепциялари

Солик ҳисобининг хорижий мамлакатларда қандай ташкил этилганлигини ўрганишдан асосий мақсад, улар тажрибасидан республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда фойдаланишидир. Шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, хориж тажрибасини олиб, кўр-кўрона тадбиқ этиш эмас, балки республикамиз бухгалтерия ҳисоби тизимининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланишимиз зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби тизимига солик ҳисобини қўллаш муаммосини ҳал этишдан олдин, ҳисоб тизимимиз қайси бухгалтерия ҳисоби моделига яқинроқ деган саволга жавоб беришимиз керак. Бизнинг фикримизча, кейинги йилларда қабул килинган Қонунлар, республикамизда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари асосида миллий стандартларни ишлаб чиқилиши, солик қонунчилигини ривожланиши ва солик сиёсатини тақомиллашиши мамлакатимиз ҳисоб тизимини “**континентал**” модел асосида олиб борилмоқда деган асос йўқ. Чунки амалиётда бухгалтерия ҳисоби ва соликқа тортишнинг обьектлари бўлган бир қатор категорияларни аниқлашда солик тизими ва бухгалтерия ҳисобида ҳар хил усуллар қўлланилмоқда. Масалан: асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалар суммасини аниқлашда, фарқ келиб чиқади. Бу масалани ечимини топишда солик ҳисобининг элементларини кўллашга зарурият тугилади.

Иккинчидан, солик қонунчилигимиз молиявий бухгалтерия ҳисоб маълумотлари асосида аниқланган молиявий натижаларни соликқа тортиш мақсадида тан олади.

Учинчидан, хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг солиқ ҳисоботларини тузиша молиявий ҳисоб ахборотларидан фойдаланган ҳолда тузади. Тўғри, молиявий ҳисоб ахборотлари солиққа тортиш мақсадида корректировка қилинади ва ўзгартишилар киритилади.

Гўргинчидан, солиқ қонунчилиги, шу жумладан, Солиқ Кодексига 1997 йилдан бери 250 га яқин ўзгартишилар киритилди, қўшимча 1300 та меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди¹¹. Бунинг натижасида бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий-ҳукуқий ҳужжатларга ҳам ўзгатишилар киритилиши зарур ияти туғилди. Бу ҳолат солиққа тортиш тизимини бухгалтерия ҳисоби тизимиға ўз таъсирини ўтказмоқда деган хulosани келтириб чиқаради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бизнинг фикримизча, республикамиизда амал қилаётган бухгалтерия ҳисоби тизими “Инглиз-Америка” – “Инглизсаксон” модели асосида ривожланмоқда деган хulosса қилишимиз мумкин. Бу билан бизда республикамииз бухгалтерия ҳисоби тизими худди АҚШ ёки Буюк Британия мамлакатларидағи ҳисоб тизимидек деган фикр туғилмаслиги керак. Бизда молиявий ва солиқ ҳисоблари “автоном” ҳолда юритилмайди. Бу тўғрисида ҳали меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлар қабул қилинмаган. Масалани иккинчи томони бор, буни у ёки бу мамлакат ҳисоб тизимидан бизга мос томонларини олиб, ўзимизнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳслда қўллашимиз зарур.

Бу борада бизнинг баъзи мулоҳазаларимиз мавжуд.

Биринчидан, республикамиизда амал қилаётган Солиқ Кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқилишида Россия Федерацияси Солиқ Кодексидек алоҳида моддада “солиқ ҳисобини молиявий ҳисоб асосида ташкил этиш” кўзда тутилиши керак. Бу эса мамлакатимизда солиқ ҳисобини ташкил этиш ва олиб бориш учун меъёрий-ҳукуқий асос бўлади.

Иккинчидан, Россия Федерацияси Солиқ Кодексининг 25-бобида эътироф этилган, иқтисодчи олимлар томонидан такомиллаштирилган солиқ ҳисоби регистрлари шаклидан фойда-

¹¹ Народное слова. 7 апреля 2006 года, № 66. С-1.

ланган холда, республикамиз амалиётига мослаштирилган шаклини ишлаб чиқиши мақсадға мувофиқ бўлади.

Солиқ ҳисоби регистрлари, счётлар режасини ишлаб чиқып борасида Россия Федерацияси Молия Вазирлиги, Солиқлар ва йигимлар Вазирлиги ҳамда иктисодчи олимлар¹² томонидан анча ишлар амалга оширилган.

Солиқ ҳисобини тапшыл этиш борасыда Украинада ҳам жуда күп назарий, методологик ва амалий ишлар қилинган.

Бизнинг фикримизча, хориж тажрибасини мамлакатимиз бухгалтерия тизимида қўллаш ва шу асосда республикамизда солиқ ҳисобини назарий, амалий ва методологик жиҳатдан та-комиллаштириш вақти келди.

¹² Журавлев В. Н. Первичные документы и регистры налогового учета. – М.: ООО ННА “Налог Инфо” ООО “Статус-Кво 97”, 2006 С.160.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Олиб борилган ўрганишлар ва тадқиқотлар натижалари қўйидаги хулосаларни қилиш ва таклифлар бериш учун асос бўлди:

1. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигига ўз аксими топган солиққа тортиш тамойилларининг асосчилари А.Смит, А.Вагнер, Д.Рикардолар эмас, балки, улардан 400 йил олдин бобомиз Амир Темур томонидан ишлаб чиқилган ва давлатни бошқаришда фойдаланилган. Амир Темур бобомиз даврида амал қилған солиққа тортиш тамойиллари ҳозирги мустақил Ўзбекистон Республикамиз солиқ қонунчилигига ўз аксими топган ва амалиётда тадбиқ этилиб келмоқда.

2. Республикамизда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Конунни қабул қилиниши, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарт (БҲМС)ларини ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ қилиниши солиқ сиёсатини янада такомиллашувига сабаб бўлди. Шу асосда солиқ сиёсатини такомиллаштириша бухгалтерия ҳисобини алоҳида ўрни бор деган хулоса қилишимиз мумкин.

3. Мамлакатимизда солиққа тортиш тизимининг такомиллашиши, бухгалтерия ҳисобини солиққа тортиш мақсадига бўйсундириш, солиқ турлари бўйича солиққа тортиладиган базани аниқланаш учун зарур бўлган ахборотларни молиявий ҳисоб регистридан олиш имкони бўлмаганлиги ва бошқа сабаблар бугунги кунда солиқ ҳисобига зарурият тұғдирмоқда.

Бизнинг фикримизча, «солиқ ҳисоби» молиявий ҳисоб ва бошқарув ҳисоблариdek, бухгалтерия ҳисобининг таркибий қисмидир.

Тадқиқотлар натижаси асосида бизнинг фикримизча, солиқ ҳисобига қўйидагича таъриф бериш мумкин:

«Солиқ ҳисоби – бу бухгалтерия ҳисобининг алоҳида тури (қўйи тизими) бўлиб, хўжалик юритувчи субъектлар то-

монидан солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича солиқقا тортиш базасини тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган аҳборотларни йигиши, қайд этиши, гурухлаш ва умумлаштириш тизимиридан.

Бу таърифга асосланган ҳолда солиқ ҳисобининг вазифасини қўйидагича баён этиш мумкин:

Солиқ ҳисобининг вазифаси – бу ҳисобот даврида солиқ ва мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаш учун зарур бўлган ишончли аҳборотларни йигиши, қайта ишлаш ва умумлаштириш ҳамда ички ва ташқи фойдаланувчиларни керакли маълумотлар билан таъминлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг янги таҳририда «солиқ ҳисоби» алоҳида моддада юқоридаги матнда баён этишини таклиф этамиш. Бунда Республикамиз иқтисодиёти ва солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинини зарур.

4. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисоби, шу жумладан солиқ ҳисоби предметига бозор моделини ўзида акс эттирувчи таъриф бериш назарий аҳамиятга эга. Солиқ ҳисобининг предметига таъриф беришда умумкабул қилинган бухгалтерия ҳисоби предметининг эволюцион ривожланиши тарихидан келиб чиқиш зарур бўлади.

